10 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН!

Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

O‘zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz

№50

2024-yil
11-dekabr, chorshanba

1918-yil
21-iyundan chiqa boshlagan



УЛКАН САЛОҲИЯТ, ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

АСЛИДА ЮРТИМИЗНИНГ ҲАР БИР ГЎШАСИ ЎЗГАЧА ФАЙЗЛИ, ЎЗИГА ХОС, ТАКРОРЛАНМАС ИМКОНИЯТЛАР МАНЗИЛИ. УЛАР ОРАСИДА ПОЙТАХТ БИЛАН ДЕВОР-ДАРМИЁН ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БЎЛАКЧА АЖРАЛИБ ТУРАДИ. МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТУВЧИ БУ ВОҲА ҲАҚИДА СЎЗ БОРГАНДА, БЕИХТИЁР КЎЗ ЎНГИМИЗДА ЧОТҚОЛ, УГАМ, ҚУРАМА, ЧИМЁН КАБИ ПУРВИҚОР ТОҒЛАРИ, СЕРҲОСИЛ ДАЛАЛАРИ, САЛОҲИЯТЛИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, ТОБОРА ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФА КАСБ ЭТИБ БОРАЁТГАН ШАҲАРЛАРИ-Ю ОБОД, ТАРОВАТЛИ ҚИШЛОҚЛАРИ, СЎЛИМ БОҒ-У РОҒЛАРИ НАМОЁН БЎЛАДИ.

Шу йилнинг 6 декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёев мазкур вилоятга ташриф буюриб, ҳудудни янада ривожлантиришнинг драйвер соҳаларига айланган транспорт, энергетика ва туризм йўналишларида амалга оширилаётган ишлар ҳамда истиқболли лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб “Тошкент – Хўжакент” йўналишида янги электропоездни кўздан кечирди.

Аёнки, мамлакатимизда темир йўл тизимини модернизация қилиш, соҳага инвестиция жалб этиш ва инфратузилмани равнақ топтириш йўлида салмоқли лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда.

2 САҲИФАДА

ЯНГИ РУКН: САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ИЖРОСИ



УЙ-ЖОЙЛАР ХАРИДИ ХАВФСИЗ ВА ИШОНЧЛИ БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифанинг ижросини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳи ва экспертлари томонидан «Уй-жой қурилишида фуқароларнинг ҳиссадорлик иштирокини тартибга солиш ва уларнинг молиявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, бугунги кунда мутахассислар томонидан муҳокама қилинмоқда.

4

БЮДЖЕТ ИЖРОСИ БЎЙИЧА

маблағларнинг натижадорлиги аниқ кўрсатилиши лозим

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛ 9 ОЙЛИК ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲУКУМАТ ҲИСОБОТИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ. АВВАЛРОҚ УШБУ МАСАЛА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИ ЙИҒИЛИШИДА ТАҲЛИЛИЙ МУҲОКАМА ҚИЛИНГАН ЭДИ.

3



ДЕПУТАТЛАР ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИГА ҚАТЪИЙ КИРИШДИ

Хабарингиз бор, яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастури ижросига қаратилган 2024 2029 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурини тасдиқлади. Унда 10 та йўналиш, 15 қадам ва 122 банддан иборат вазифалар белгиланган бўлиб, дастур доирасида 2 та янги кодекс, 10 та янги қонун ташаббуси билан чиқиш, 10 та кодекс ва 50 та яқин қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, 20 та норматив ҳужжатлар ижроси устидан парламент ва депутатлик назорати олиб бориш каби мақсадлар кўзда тутилган.

7

БУГУНГИ СОНДА



КОНСТИТУЦИЯ – МЕНИНГ ҲАЁТИМДА

5 САҲИФАДА

ФРАКЦИЯ МУҲОКАМАСИ

Ҳали биринчи ўқиш

ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ЖАРИМА БЕЛГИЛАНИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНИШИ ЗАРУР, ДЕГАН ПОЗИЦИЯДА

“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси. Ушбу масала кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси йиғилишида кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасида зарурат ҳақида сўз борганда, ҳозирги кунда фуқаролар томонидан транспорт воситаларини бошқариш жараёнида йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмасдан, велосипед йўлаклари, тротуарлар ҳамда яшил ҳудуд майдонларидан ҳаракатланиш ҳолатлари учраётганини алоҳида қайд этиш лозим. Бу эса бевосита пиёдалар, яъни, инсонлар ҳаётига турли даражада хавф солмоқда.

3 САҲИФАДА

ДУНЁ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ

ЯПОНИЯ:

ЛИБЕРАЛ ДЕМОКРАТЛАР МУРОСА ҚИЛИШГА МАЖБУР

Японияда яқинда, октябрь ойида ўтган парламент сайловида ҳукумат тепасидаги коалиция кўпчилик овозни йўқотди, қуйи палатада мухолиф партиялар кўпроқ ўринга эга бўлди.

Маълумотларга кўра, Либерал демократик партия ва Комэйто партияси биргаликда парламентдаги кўпчилик овоз учун зарур бўлган 233 ўриндан 215 тасини эгаллаган. Либерал демократлар учун 191 ва коалиция шериклари учун 24 мандат.

8

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ КАТТА ИМКОНИЯТЛАР ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИШ ЎРИНЛАРИГА ЗАМИН

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 10 ДЕКАБРЬ КУНИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛИШ, ИШ ЎРНИ ВА ИНВЕСТИЦИЯНИ КЎПАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗДИ.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА САНОАТ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ, ХИЗМАТЛАР, ТУРИЗМ, УМУМАН, БАРЧА СОҲАЛАРДА ЖУДА КАТТА ИМКОНИЯТЛАР БОР. СЎНГГИ ЕТТИ ЙИЛДА ҲУДУД ИҚТИСОДИЁТИ 1,5 БАРОБАР ЎСГАН. САНОАТ КОРХОНАЛАРИ 2 БАРОБАР КЎПАЙИБ, 12 МИНГТАГА ЕТГАН.

Лекин имкониятлар бундан анча кўп, улар тўла ишга солинмаяпти. Масалан, вилоятдаги жами ерларнинг бор-йўғи 25 фоизидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Ҳар гектарга тўғри келадиган даромад ҳам бошқа жойларга нисбатан кам. Бекобод ва Оҳангарон шаҳарлари, Оққўрғон, Чиноз, Пискент туманларида қайта ишлаш даражаси жуда паст. Озиқ-овқат хавфсизлиги, мева-сабзавотлар экспорти ҳам имкониятга яраша эмас.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чоралари белгиланди. Унга кўра, ҳар бир кластер, фермер ва деҳқон хўжалиги майдонидаги экинлар, маҳсулот ҳажми, ишчилари сони, солиқ тушуми каби маълумотлар «Агроплатформа» ахборот тизимига киритилади. Келгуси йилда мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 7 та туманда 52 минг гектарда 3 марта ҳосил олиш йўлга қўйилади. 5 минг гектарда саноатлашган боғ ва токзорлар ташкил қилинади.

Умуман, 22 та туман-шаҳардаги ерлар қайта ишловчи ва экспортчи корхонага боғланади. Бу орқали келаси йил 3,5 миллион тонна мева-сабзавот етиштириб, 500 миллион доллар экспорт қилиш мумкинлиги айтилди.

Тошкент вилоятининг инфратузилмаси, логистикаси тадбиркорлик учун жуда қулай. Лекин ишлаб чиқариш, савдо ва хизматлар умумий майдони уч йилда бор-йўғи 1,6 миллион квадрат метрга ошган, бу пойтахтдан 3,5 баробар кам. Инвестициявий лойиҳалар учун тоифаси ўзгартирилган 9 минг гектар ернинг 2 минг гектаридан фойдаланилмаяпти. Бўш турган давлат иншоотлари ҳам бор.

Ҳолбуки, инвесторлар бу ҳудудда “ақлли шаҳар”, тиббиёт кластери, яшил энергетика станцияси қуриш ташаббусини билдирган. Водийлик ва пойтахтлик минглаб тадбиркорлар ҳам бизнесини кенгайтириш, янги корхона, меҳмонхона, савдо ва туризм мажмуалари қуриш учун жой излаб юрибди.

Давлат активларини бошқариш агентлиги ва вилоят мутасаддиларига бу борадаги сусткашликлар кўрсатиб ўтилди. Бино ва ерларни тадбиркорларга қулай шартда аукционга чиқариш, уларнинг негизида инвестиция, иш ўрни ва экспортни кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Тошкент вилояти ҳокими келгуси йил 5 миллиард доллар инвестиция жалб этиш ҳамда экспортни 2 миллиард долларга етказиш бўйича режаларини тақдимот қилди. Давлатимиз раҳбари унинг таркибига эътибор қаратиб, кутилаётган инвестициянинг ярми шундоғам ривожланган Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Оҳангарон, Зангиота ва Қибрай туманларига тўғри келишини қайд этди. Шу боис саноат ва хизматлар нисбатан орқада бўлган Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Паркент, Пискент, Қуйи Чирчиқ ва Чиназда қўшимча лойиҳалар қилиб, иш ўринлари очиш зарурлиги таъкидланди.

Тошкент вилоятидаги имкониятлар ҳисобига барча аҳолини даромадли қилиш мумкинлиги айтилди. Келгуси йилда вилоятда 700 минг одамнинг бандлигини таъминлаб, ишсизликни табиий даражасигача тушириш, 22 минг оилани даромадли қилиб, камбағалликни ҳозирги 7,2 фоиздан 4 фоизга камайтириш, меҳнат мигрантларини юртимизга қайтариб, ишга жойлаштириш вазифа қилиб олинди.

Президентимиз йиғилишда қатнашган вилоят тадбиркорлари билан ҳам мулоқот қилди. Уларнинг таклиф ва ташаббусларига алоҳида эътибор қаратиб, бу борада мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

president.uz

СИЁСИЙ ПУЛЬС

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўтган даврда 2 минг 400 километрдан кўпроқ янги темир йўллар қурилиб, фойдаланишга топширилгани, 3 минг километрдан зиёд йўллар электрлаштирилгани, 1 минг 100 километрдан ортиғи эса реабилитация қилингани бунга яққол мисол. Ҳозирги кунда юртимиз замонавий транспорт коммуникациялари ва юксак транзит салоҳиятига эга бўлган давлат сифатида Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолни ўзаро боғлайдиган халқаро темир йўлларнинг муҳим ҳалқасига айланганини фахр билан айтиш мумкин.

Эндиликда “Тошкент – Хўжакент” йўналишида янги электропоезд қатнови ташкил этилаётгани мамлакатимиз аҳолиси учун яна бир қулайлик яратаётгани билан аҳамиятлидир.

Янги электропоезд соатига 120 километргача тезликка чиқа олади. Ҳар бир тарафга кунига учтадан қатнов йўлга қўйилади.

Тошкент ва Хўжакент оралиғидаги темир йўлга туташ майдонларни 2025 йилги реновация дастурига киритиб, уларни тартибга келтириш, "Яшил макон" лойиҳаси доирасида темир йўл четларини кўкаламзорлаштириш, сув ресурслари чекланган ҳудудларда хорижий тажриба асосида қурғоқчиликка чидамли ўсимликларни экиш чора-тадбирлари ҳам амалга оширилади.



УЛКАН САЛОҲИЯТ, ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Алим ТУЙЧИЕВ,
халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати:

-Мамлакатимиз туризм салоҳияти ҳақида сўз борганда, Тошкент вилоятига тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Чунки ҳудуд бу соҳа тараққиётида муҳим роль ўйнайди. Айни пайтда Тошкент вилоятида экотуризм, агротуризм, спорт туризми каби йўналишлар жадал ривожланмоқда.

Ҳудуднинг ноёб табиий ресурсларга эгалиги, флора-фауна оламининг бойлиги экотуризм ривожи учун бемисл имкониятлар тақдим қилади. Хушманзара тоғлар бағридаги Бўстонлиқ туманининг тараққиёт драйвери, албатта, туризмдир.

Айтиш керакки, сўнгги йилларда бу туманнинг туристик инфратузилмаси яхшиланиб, йилнинг барча фаслида сайёҳлар ташриф буюриб, мароқли ҳордиқ чиқариши учун замон талабларига мос шарт-шароитлар яратилди. Дам олиш, соғломлаштириш, чанғи, саёҳат, умумий овқатланиш мажмуалари барпо этилди. Эски санаторий ва болалар оромгоҳлари янгиланди.

Маълумотларга кўра, беш йил аввал туманда 2 минг 240 ўринли 26 та дам олиш маскани бўлган бўлса, 2 триллион сўмдан зиёд инвестиция киритиш эвазига 60 га яқин йирик туризм иншоотлари ишга туширилгани, асосий автомобиль йўли таъмирланиб, қўшимча йўллар қурилгани соҳада янги ўзгаришларга олиб келди. Бўстонликка ташриф буюрувчи туристлар сони беш йилда 12 баробарга ошди.

Бу суръат изчил давом этишига имкон берувчи яна бир янги лойиҳа - Чирчиқ дарёси бўйида “Чорвоқ дарвозаси” туристик мажмуаси қурилаётгани айни муддаодир. Қарийб 25 гектар майдондаги мажмуа кунига 5 мингдан ортиқ кишига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлиб, 2 ярим мингта иш ўрни яратилиши – бу айни лойиҳанинг улкан қамровидан дарак беради. Бу ерда 16 та кўп қаватли уй, 3 та меҳмонхона, 2 та супермаркет, 60 дан зиёд савдо ва маиший хизмат шохобчалари, кафе ва ресторанлар, банк офиси, аквапарк, мусиқали фаввора, автотураргоҳ барпо этилиши, дарё устида сайр учун шишали кўприк қурилиши, яшил майдонлар янада кенгайтирилиши экотуризмни ривожлантиришда энг илғор ёндашувлар татбиқ қилинаётганини тасдиқлайди.

Шунингдек, Бўстонликдаги яна бир янги туристик мажмуа - “Ugam River”да ҳам 1 триллион сўмликдан зиёд лойиҳа доирасида қарийб 14 гектар майдонда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Лойиҳага кўра, 17 та кўп қаватли уй, 16 та коттеж, 3 та ресторан, йигирмадан ортиқ савдо ва хизмат шохобчалари бунёд этилади. Болалар ўйингоҳлари, ёпиқ сув ҳавзаси, фитнес ва спорт майдончалари, амфитеатр, автотураргоҳ, автомобиль кўприги, тоғ ва соҳил бўйи йўлаклари ҳам ташкил этилади.

Президентимиз янги туристик мажмуани кўздан кечириш асносида ҳудуднинг тоза ҳавосини, гўзал табиатини асраш, маҳаллий аҳолининг анъанавий касб-ҳунарлари бардавом этишига кўмаклашиш масалаларига ҳам диққат қаратди. Туманда асал, лимон етиштиришда ўзига хос тажриба мактаби шаклланган. Буни сақлаб қолиш ва янада ривожлантириш табиий муҳитни асраб-авайлаш нуқтаи назаридан ҳам муҳим экани айтилди.

Шак-шубҳасиз, юқоридаги лойиҳалар Бўстонлиқ, жумладан, Тошкент вилояти туризм индустрияси яна бир юқори босқичга чиқаётганига ишора беради. Халқимиз фаровонлиги, мамлакатимиз тараққиёти йўлида бундай дадил қадамларни ташлаш ҳозирги мураккаб замонда осон бўлмаётганини унутмаган ҳолда янги ислоҳотларнинг амалий исботини топишида ўз улушимизни қўшмоғимиз шарт ва зарур.

ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

Шахноза АБДУРАХИМОВА,
халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати:

-Бугун дунё бўйлаб иқлим ўзгаришлари, аҳоли нуфусининг жадал ошиб бораётгани, саноатнинг мисли кўрилмаган даражада тараққий этиши ёқилғи-энергия ва иссиқликка бўлган талабни кучайтирмоқда. Иқтисодий ривожланишга юз тутган ҳар бир давлат ишончли ва барқарор электр энергия таъминотини йўлга қўйишга биричи галдаги вазифа сифатида қарамоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам энергетика соҳасини ислоҳ қилиш, энергия бозорини либераллаштириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ҳамда энергия тежовчи технологияларни жорий этиш мақсадида изчил ислоҳотлар ҳаётга йўналтирилмоқда. Юртимизда 630 миллион доллар инвестиция ҳисобидан 400 мегаваттдан ортиқ янги гидроэлектр станциялари барпо этилиб, уларнинг қуввати 2,2 гигаваттга етказилгани бунинг ёрқин натижасидир.

Биргина Тошкент вилоятининг ўзида бугунги кунда умумий қуввати 1 минг 330 мегаватт бўлган 25 та гидроэлектр станцияси ишлаб турибди. Бу республикамиздаги жами гидроэнергетика қувватининг 60 фоизига тенгдир. Ҳозирда ҳудудда қиймати 880 миллион доллар ва қуввати 340 мегаватт бўлган яна 4 та ГЭС қурилмоқда. Шунингдек, 2028 йилгача вилоятда умумий қуввати қарийб 2 минг 400 мегаватт бўлган, 4 миллиард 800 миллион долларлик 23 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган.

Давлатимиз раҳбари Бўстонлиқ туманига ташрифи чоғида “Угам-1” кичик гидроэлектр станциясида ҳам бўлди.

Қуввати 1,48 мегаватт бўлган ушбу “Угам-1” кичик ГЭСни қуриш орқали йилига 11,8 миллион киловатт соат экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти юзага келди. Замонавий самарадор гидроагрегатлар ва автоматик бошқарув тизими ўрнатилди. Эътиборлиси, бунда тўлиқ маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлатилган.

Лойиҳани амалга ошириш натижасида ҳудуддаги Чорбоғ, Хумсон ва Угам маҳаллаларидаги 5 мингта хонадон ҳамда туризм ва дам олиш масканлари узлуксиз электр энергияси билан таъминланади. Йилига қарийб 4 миллион метр куб газ тежалади.

Биламизки, ҳудудларда кунлик энергия таъминотида гидроэнергетика қулай ва самарали ҳисобланади. Умумий тармоққа уланмасдан ҳар бир ҳудуд ва маҳалла кесимида электр таъминотини яхшилаш учун ҳам кичик ГЭСлар зарур.

Ҳозирча Угам дарёсида иккита кичик ГЭС қурилди. Уларнинг ҳар биридан йилига икки юз миллиард сўм даромад олинаяпти. Мутахассисларнинг қайд этишича, сув оқимидан такрор-такрор файдаланиш орқали бундай станцияларни ўнтагача етказиш мумкин экан.

Қаердаки, энергетика таъминоти муаммолардан, сабабсиз узилишлардан холи бўлса, ана шу ерда ижтимоий инфратузилма ҳам, тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳам ривожланади. Бу ўша ҳудуд аҳолиси турмушида сифат ўзгаришларига, оддий одамларда бугунги кундан розилик ҳисси ошишига туртки беради.

Тошкент вилоятининг мавжуд потенциал имкониятларига монанд равишда юқоридаги сингари пухта ўйланган, истиқболли лойиҳаларнинг амалга ошиши ҳудуд ҳаётида янги давр бошланаётганини кўрсатади.

***

10 декабрь куни Президент Тошкент вилоятида қўшимча имкониятларни ишга солиш, иш ўрни ва инвестицияни кўпайтириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди. Унда Тошкент вилояти ҳокими келгуси йил 5 млрд доллар инвестиция жалб этиш ҳамда экспортни 2 млрд долларга етказиш бўйича режаларини тақдимот қилди. Шундай қилиб, 2025 йилда вилоятда 700 минг одамнинг бандлигини таъминлаб, ишсизликни табиий даражасигача тушириш, 22 минг оилани даромадли қилиб, камбағалликни ҳозирги 7,2 фоиздан 4 фоизга камайтириш, меҳнат мигрантларини Ўзбекистонга қайтариб, ишга жойлаштириш асосий вазифа қилиб олинди.

Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

ҚУЙИ ПАЛАТАДА

БЮДЖЕТ ИЖРОСИ БЎЙИЧА

маблағларнинг натижадорлиги аниқ кўрсатилиши лозим



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ ЖОРИЙ ЙИЛ 9 ОЙЛИК ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲУКУМАТ ҲИСОБОТИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ. АВВАЛРОҚ УШБУ МАСАЛА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИ ЙИҒИЛИШИДА ТАҲЛИЛИЙ МУҲОКАМА ҚИЛИНГАН ЭДИ.

Таъкидланишича, дунёда ижтимоий-иқтисодий вазият мураккаблиги сақланиб қолаётган даврда мамлакатимизда ижобий ўсиш кузатилмоқда. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан Давлат бюджети даромадлари 19 фоизга ёки 30 трлн сўмга ортганини муҳим натижа сифатида қайд этиш лозим. Бу, ўз навбатида, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш имкониятларини кенгайтирди.

Ҳисобот даврида бюджет харажатларининг қарийб 50 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилгани партиямиз дастурий мақсадларини амалга оширишда ҳаётий аҳамият касб этмоқда.

Бюджет ижроси бўйича келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, фракция аъзолари масъулларга турли саволлар билан мурожаат қилди.

Қизилгул ҚОСИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Ҳисоботдан айрим ижтимоий объектлар бўйича ҳам электр тармоқларини тортиш ишлари кечиктирилаётганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, таълим муассасаларини электр энергияси билан таъминлаш объектлари бўйича харид жараёнлари кечикканлиги ва қурилиш ишлари суст амалга оширилаётганлигини қандай тушуниш мумкин?

Бундай ҳолатларга йўл қўйилишининг сабаби ҳамкорлик йўқлигидами ёки бошқа масалами? Йил якунигача бу каби камчиликлар қандай бартараф этилади?

Жавоб:

Энергетика вазирлиги масъулининг жавобига кўра, ер ажратилишидаги муаммолар ва қурилиш ишларидаги сусткашликлар сабабли коммуникация тармоқларини тортишнинг кўп қисми тўртинчи чоракда амалга оширилади. Электр энергия билан таъминлаш ва тизимдаги таъмирлаш ишлари учун 624 та мактаб дастурга тушган бўлса, Тошкентдаги 21 та мактабдан ташқари барчасида ишлар якунига етказилган. Пойтахтимизда 11 километр жойга тармоқ тортиш ҳамда 11 та трансформатор ўрнатиш борасида ишлар кетяпти ва бу ўқув жараёнига таъсир қилмайди. Харид жараёнларининг чўзилишига сабаб эса уларнинг айримларида битта иштирокчи қатнашгани учун харидларни қайта эълон қилишга тўғри келади. Жорий йил декабрь ойи якунига қадар электр энергияси билан таъминлашни 90 фоизга бажариш белгиланган. Аммо буни ҳам юз фоизга етказишнинг имкони йўқлиги, чунки йўқ объектга коммуникация тизимини тортиб бўлмаслиги қайд этилди.

Шокиржон АҲМЕДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилаяпти. Бу борада бажариладиган барча чора- тадбирларнинг амалга ошириш механизмлари, манбалари ва ечимлари муҳтарам Президентимиз томонидан аниқ белгилаб берилаяпти.

Лекин ҳисоботда мана шундай муҳим мақсадни амалга оширишга Давлат бюджетидан йўналтирилган маблағлар ва уларнинг натижадорлигига оид маълумотлар алоҳида келтирилмаган. Бунинг сабаби нима? Ажратилган маблағларнинг натижадорлиги бўйича маълумот беришингизни сўраймиз.

Жавоб:

Вазирлик вакили ушбу саволга Камбағилликдан фаровонлик сари дастури ва ундаги вазифаларнинг ижроси юзасидан ҳисоботлар билан жавоб беришга уринди. Бу эса фракция аъзоларини деярли қаноатлантирмади. Кейинги ҳисоботларда камчиликларни бартараф этиш бўйича ваъда берилди.

Фракция аъзолари келгуси ҳисоботларда камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган маблағларнинг самарадорлигини доимий мониторинг қилиш ва натижаларини ҳисоботларда алоҳида шаклда кўрсатиб ўтишни тавсия этишди.

Узоқ муҳокамалар, таклиф ва тавсиялар билан бир қаторда масала юзасидан фракция муносабати ҳам билдирилди. Албатта, эришилган кўрсаткичлар билан бирга, бюджет ижросида камчиликлар ҳам кузатилмоқда.

Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари Улуғбек Иноятов қуйи палата мажлисидаги муҳокамада ҳукуматга Давлат бюджети ижроси бўйича ўз позициясини билдирди.

Биринчидан, норасмий сектордаги даромадларни легаллаштириш имкониятларини кенгайтириш зарур. Бу бюджетнинг даромад қисмини кўпайтиришда муҳим манба ҳисобланади.

Айни масалада қандай аниқ чоралар кўрилаётгани, қандай реал натижаларга эришилаётгани ҳақида керакли маълумотлар ҳисоботда акс этмаган. Фракциямиз мазкур йўналишда келгусида батафсил ахборот бериб борилишини тавсия этади.

Иккинчидан, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг маблағларини айрим вазирлик ва идоралар ўзлаштира олмаган. Аксарият якунига етмаган лойиҳаларда тендер савдоларининг кечикиши ёки буюртмачиларнинг маҳсулотни ўз вақтида етказиб бермаслиги асосий сабаб бўлаётгани кўринади.

Фракция бу борада Хукумат ўзига аниқ вазифалар белгилаши, айниқса, ижтимоий соҳага оид тендер савдоларини соддалаштириш чораларини кўриш лозим, деб ҳисоблайди.

Учинчидан, келгуси ҳисоботларда камбағалликни қисқартириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва лойиҳалар учун ажратилётган маблағларнинг натижадорлиги аниқ кўрсатилишига эътибор қаратиш сўралди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Халқ демократик партияси фракцияси Давлат бюджети ижроси ҳақидаги ҳисоботни маъқуллади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

ФРАКЦИЯ МУҲОКАМАСИ

ҲАЛИ БИРИНЧИ ЎҚИШ

ЎзХДП ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ ЖАРИМА БЕЛГИЛАНИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНИШИ ЗАРУР, ДЕГАН ПОЗИЦИЯДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қайд этилдики, йўллардаги харакат хавфсизлигига таъсир қилувчи бошқа омиллар ҳам мавжуд. Шулардан бири ноқонуний равишда сунъий тўсиқлар ўрнатиш ва йўлни тўсиб қўйиш ҳолатлари ҳисобланади.

Лойиҳа билан ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини тротуардан, пиёдалар ва велосипед йўлкаларидан, яшил ҳудуд майдонларидан юргизгани учун жавобгарлик назарда тутилмоқда.

Шунингдек, йўловчиларга лойқа сачратиш, йўлларга, темир йўлдан ўтиш жойларига, йўл ҳаракатини тартибга солувчи бошқа иншоотлар ёки техник воситаларга шикаст етказган шахслар ҳам қонуний жазодан бебаҳра қолмайди. Йўл қопламасини ифлослантириш, ноқонуний тўсиқлар ўрнатиш ёки тўсиб қўйиш йўли билан халал берганлар, автомобиль йўлларини ўзбошимчалик билан қазиб, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиқлар яратганлар, йўл ҳаракати иштирокчиларининг ҳаракатига тўсқинлик қилувчи бошқа қурилмаларни ўрнатганларга ҳам маъмурий чоралар кўрилиши назарда тутилмоқда.

Депутатлар бу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, йўлларни ҳаракат учун қулайлаштириш, сифатли ҳамда хавфсиз ҳолатга келтириш ҳам муҳим эканини таъкидлади.

Анвархон ТЕМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳасининг мазмунидан кўринадики, бугун янги меъёрларга эҳтиёж мавжуд. Бироқ ундан олдин амалга оширилиши керак бўлган ишлар борлигини ҳам унутмаслик керак. Биринчи навбатда пиёда ҳамда велосипед йўлакларини, тротуарларни белгилаш ва тартибини аниқлаб олиш лозим. Масалан, Тошкент шаҳрида велосипед йўлаклари тротуарларда бўлса, Фарғона вилоятида катта қатнов йўлининг чет қисмида.

Шунингдек, ҳозир қурилаётган кўп қаватли уйлар ёки бошқа объектлар олдида автотураргоҳ мавжуд. Аммо аксарият биноларга кириб-чиқиш учун ҳайдовчи автомобилини йўл четларига, пиёдалар йўлаги ёки белгиланмаган бошқа жойларга қўйишга мажбур бўлади. Бу каби ноқулайликлар бор экан, жаримага тортиш билан масалага ечим топиб бўлмайди. Аҳоли орасида норозиликлар келтириб чиқармаслик учун ҳар битта масала аниқ белгиланиши, масъул вазирликлар томонидан аввал имконият ва қулайликлар таъминланиши зарур. Палата мажлисида ёки кейинги муҳокамаларда Транспорт вазирлигининг иштирокини таъминлашни ҳам таклиф этаман. Сабаби, бу кўтарилган масаланинг ечими бир қанча вазирликларга боғлиқдир.

Мазкур қонунга ҳамоҳанг яна бир лойиҳа “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жамоат транспортидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги масала ҳам депутатлар диққат марказида бўлди.

Сир эмаски, сўнгги йилларда мамлакатимиз, айниқса, пойтахт йўлларида тирбандликларни камайтириш ҳамда аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида жамоат транспортига устуворлик бериш йўналишида амалий чоралар кўрилмоқда. Бироқ қонунчиликдаги бўшлиқлар жамоат транспортидан фойдаланишнинг самарадорлигига жиддий таъсир қилмоқда.

> ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИНГ МАЗМУНИДАН КЎРИНАДИКИ, БУГУН ЯНГИ МЕЪЁРЛАРГА ЭҲТИЁЖ МАВЖУД. БИРОҚ УНДАН ОЛДИН АМАЛГА ОШИРИЛИШИ КЕРАК БЎЛГАН ИШЛАР БОРЛИГИНИ ҲАМ УНУТМАСЛИК КЕРАК. БИРИНЧИ НАВБАТДА ПИЁДА ҲАМДА ВЕЛОСИПЕД ЙЎЛАКЛАРИНИ, ТРОТУАРЛАРНИ БЕЛГИЛАШ ВА ТАРТИБИНИ АНИҚЛАБ ОЛИШ ЛОЗИМ.

Жумладан, бугунги кунда қонунчиликда жамоат транспорти учун алоҳида ажратилган йўлакларда ҳаракатланган транспорт воситалари ҳайдовчилари учун жавобгарлик чоралари назарда тутилмаган. Натижада, енгил транспорт воситалари мазкур йўлакларда бемалол ҳаракатланиб, жамоат транспортининг ҳаракатига тўсқинлик қилмоқда. Қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга янги модда киритилиб, қоидабузарларга жавобгарлик белгилаш таклиф этиляпти.

Депутатлар лойиҳада келтирилган таклифлар бўйича бир қатор саволлар билан масъулларга юзланди. Истисно қилиш мумкин бўлган ҳолатлар юзасидан таклифларини билдирди.

Ҳар иккала лойиҳа фақат биринчи ўқишда маъқулланди.

Кредит олишдан воз кечиш механизми қандай ишлайди?

Биламизки, кейинги вақтларда фирибгарлик жиноятини содир этиш ҳолатлари кўпайди. Бунинг биринчи сабаби интернет имкониятларидан фойдаланиб, ўзгаларнинг мол-мулкига кўз олайтириш бўлса, иккинчиси содда одамларнинг ишончини суиистеъмол қилиш орқали ўз манфаатлари йўлида жиноят содир этишдан иборат.

Айниқса, кредит олиш тизимида бу каби ҳолатлар тез-тез учраб турибди. шундан келиб чиқиб, парламентга янги қонун лойиҳаси киритилган.

ХДП фракцияси йиғилишида аҳолини кредитлаш соҳасидаги фирибгарлик жиноятларидан ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг хабарисиз улар номига кредит расмийлаштириш ҳамда масофадан туриб онлайн кредит маблағларини ечиб олиш ҳолатларини бартараф этишга қаратилган лойиҳа кўриб чиқилди. Таъкидланишича, лойиҳада таклиф этилаётган меъёрлар жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий равишда кредит олишдан воз кечиш механизмини жорий этиш мақсадига хизмат қилади.

Бу амалиёт хориж мамлакатлари учун янгилик эмас, албатта. Масалан, АҚШда кредит бюролари томонидан фуқароларнинг кредит ҳисоботини тақдим этилишини тақиқлаш бўйича нормалар қайд этилган. Амалиётда қонунчилик ҳужжатларига асосан кредит тарихи маълумотлари хавфсизлигини таъминлаш ва жисмоний шахсларнинг номига уларнинг рухсатисиз кредит расмийлаштирилишининг олдини олиш мақсадида кредит бюролари томонидан “кредит ҳисоботини тақдим этилишини тақиқлаш” ҳамда кредит ҳисоботларида “фирибгарлик тўғрисида огоҳлантирувчи хабар” жойлаштириш хизматлари жорий этилган.

Қозоғистонда “Биринчи кредит бюроси” ҳамда eGov.kz портали томонидан фуқароларга уларнинг номига кредит расмийлаштирилишини тақиқлаш бўйича хизмат ишга туширилган. Ушбу хизматдан фойдаланиш орқали кредит ташкилотлари томонидан фуқароларнинг кредит тарихи ҳисоботларини олиш имконияти чекланади ва бу уларнинг номига ўзгалар томонидан кредит расмийлаштирилишининг олдини олади.

Шуларга мос равишда янги қонун лойиҳаси билан жисмоний шахслар тўғрисида маълумотни кредит битими тузиши тақиқланган шахслар реестрига киритиш тартиби жорий қилинмоқда. Жисмоний шахс ўзининг иштирокисиз ёки хабарисиз кредит битимини расмийлаштириш билан боғлиқ фирибгарликларнинг олдини олиш мақсадида кредит бюросига ариза киритиш орқали у билан кредит битимини тузишни тақиқлаши мумкин бўлади.

Шунингдек, кредит битимини тузишни тақиқлаш ёки тақиқни бекор қилиш бўйича аризани ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон шаклда, давлат хизматлари марказлари ёки кредит бюролари орқали ёзма шаклда мурожаат қилиш асосида амалга ошириш имконияти яратилади.

Асосийси, буларнинг барчаси ихтиёрий равишда амалга оширилади. Бу борадаги маълумотлар кредит бюролари томонидан кредит битими тузиши тақиқланган шахслар реестрида юритиб борилади.

Аҳоли маблағларини фирибгарлардан ҳимоя қилиш мақсадига қаратилган мазкур лойиҳа фракция аъзолари томонидан маъқулланди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

ЯНГИ РУКН: САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИ ИЖРОСИ



Маълумки, ҳар бир давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва мамлакатда мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал қилинишида қурилиш соҳасининг ўрни жуда муҳимдир. Чунки, қурилиш иқтисодиётнинг барча тармоқларини ривожлантиришга кучли туртки берадиган, тўпланиб ётган ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берадиган ўзига хос “локомотивдир”. Қурилиш соҳасида амалиётга жорий қилинган ҳар бир лойиҳа қурилиш материаллари ва жиҳозларига, ишчи ва мутахассисларга бўлган талабни оширади, натижада янги иш ўринлари, инфратузилма ва янги хизмат турлари барпо қилинади.

УЙ-ЖОЙЛАР ХАРИДИ ХАВФСИЗ ВА ИШОНЧЛИ БЎЛИШИ ЛОЗИМ

БИРОҚ, СОҲАДА ЭРИШИЛИБ КЕЛИНАЁТГАН ЮТУҚЛАР БИЛАН БИР ҚАТОРДА, АЙРИМ МУАММОЛАР ҲАМ МАВЖУД. ОХИРГИ ВАҚТЛАРДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ЯНГИ ҚУРИЛАЁТГАН УЙ-ЖОЙЛАР СОТУВИДА ХАРИДОРЛАРНИ АЛДАШ ҲОЛАТЛАРИ БЎЙИЧА ХАБАРЛАР ТЕЗ-ТЕЗ УЧРАБ ТУРИБДИ.

Шунинг учун ҳам, мамлакатимизда қурилиш соҳасини ривожланишига катта аҳамият берилмоқда. Охирги ўтган еттти йил ичида мамлакатимизда қарийб 100 миллиард долларлик қурилиш ишлари амалга оширилди. Ушбу соҳадаги ишлар ҳажми йилига ўртача 7-8 фоизга ошиб бормоқда. Шу вақт ичида қурилиш материаллари саноатига 9 миллиард доллар сармоя киритилиб, 5 мингга яқин янги корхона ишга туширилди, 94 минг доимий иш ўрни яратилди.

Шунингдек, уй-жой қурилишига катта эътибор ва шароитлар яратилиши натижасида минглаб оилалар ўз уйига эга бўлишмоқда. Жумладан, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган минглаб оилалар уй-жой билан таъминланиб келинмоқда.

Бироқ, соҳада эришилиб келинаётган ютуқлар билан бир қаторда, айрим муаммолар ҳам мавжуд. Охирги вақтларда оммавий ахборот воситаларида янги қурилаётган уй-жойлар сотувида харидорларни алдаш ҳолатлари бўйича хабарлар тез-тез учраб турибди. Фуқаролар айрим нопок қурилиш корхоналарининг ёлғон ваъдаларига ишониб, ҳали қурилиши бошланмаган уй-жойлар учун шартнома тузиб, олдиндан катта миқдордаги ўз маблағларини уларга ишониб бериб қўймоқда. Натижада, қурилиш корхоналари томонидан пулларни мақсадсиз сарфлаш, талон-торож қилиш ёки уларни банкротга учраши оқибатида ишонувчан фуқаролар маблағларидан ажралиб қолишмоқда. Энг ачинарлиси, фуқароларнинг бу пулларини қурилиш корхоналаридан ундириб олишнинг деярли имконияти мавжуд эмас.

Шу боис, Давлатимиз раҳбари томонидан уй-жой сотиб олиш учун эскроу ҳисобларининг кафолатланган янги тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича вазифалар белгилаб берилди. Бунда, банклар уй-жойни ўз вақтида ва сифатли қуриш ва уни эгасига топширишни кафолатлаб, қурувчи ва харидор ўртасида воситачи ва кафил вазифасини бажаради. Мазкур йўналишда, яъни, эскроу ҳисоб-рақамлар тизимини жорий этиш бўйича мамалакатимизда дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Жумладан, Самарқанд шаҳрида, шунингдек, Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт ва Сергели туманларида ушбу тизим синовдан ўтказилмоқда. Шубҳасиз, эскроу ҳисоб-рақамлар тизимининг жорий этилиши фуқароларнинг уй-жой қурилишидаги иштирокини янада хавфсиз ва ишончли қилади.

Фикримизча, бугунги кунда янги қурилаётган уй-жойлар сотувида эскроу ҳисоб-рақамлар тизимининг самарали ишлаши учун мамлакатимиз қонунчилигида етарли асослар мавжуд эмас. Шунинг учун мазкур йўналишда алоҳида қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида “турар жойларни қуришда жалб қилинган аҳоли маблағларини ҳимоя қилиш кафолатларини яратиш мақсадида эскроу тўлов тизимини жорий этишни назарда тутувчи Қонунни қабул қилиш” вазифаси белгиланган.

Партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган вазифанинг ижросини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳи ва экспертлари томонидан «Уй-жой қурилишида фуқароларнинг ҳиссадорлик иштирокини тартибга солиш ва уларнинг молиявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, бугунги кунда мутахассислар томонидан муҳокама қилинмоқда.

Мазкур қонуннинг мақсади: уй-жой қурилишидаги фуқароларнинг ҳиссадорлик иштирокини тартибга солиш, ҳиссадорларнинг молиявий хавфсизлигини таъминлаш, қурилиш соҳасида давлат назоратини кучайтириш, қурилиш жараёнида шаффофлик ва ишончлиликни ошириш, қурувчиларнинг масъулиятини кучайтириш ва уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашдан иборатдир.

Қонун лойиҳаси тайёрланиши жараёнида бир қатор хорижий давлатлар қонунчилиги ўрганиб чиқилди. Жумладан, Россия, Германия, АҚШ, Канада ва Хитой давлатларида уй-жой қурилишида иштирок этувчи фуқароларнинг молиявий ҳимоясини таъминлаш бўйича қонунчилигидаги асосий механизмлар таҳлил қилинди.

РОССИЯ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ МЕХАНИЗМЛАР

Ҳиссадорлар маблағлари махсус эскроу ҳисоб-рақамларда сақланади. Қурилиш тугагандан сўнг қурувчига маблағлар ўтказилади. Агар қурувчи банкрот бўлса, маблағлар ҳиссадорларга қайтарилади.

Давлат компенсация жамғармаси ҳиссадорларнинг молиявий хавфларини қоплаш учун яратилган. Қурилиш тугалланмаган тақдирда ҳиссадорларга компенсация берилади.

Лицензиялаш ва назорат қурувчиларнинг лицензиялаш тизими бўлиб, қурувчилардан молиявий барқарорлик ва ишончлилик талаб этилади.

ГЕРМАНИЯ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ МЕХАНИЗМЛАР

Қурувчилар қурилишни бошлашдан олдин банк кафолати тақдим қилади. Кафолат ҳиссадорлар маблағларини ҳимоя қилади.

Босқичма-босқич тўловлар қурилиш босқичлари якунига кўра тўланади. Мустақил экспертлар қурилиш сифатини назорат қилади.

Суғурта тизими қурилишдаги барча молиявий хатарларни суғурта қилади.

АҚШ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ МЕХАНИЗМЛАР

Ҳиссадорларнинг маблағлари эскроу ҳисоб-рақамларда сақланади. Маблағлар қурувчига шартнома шартлари бажарилганидан кейин ўтказилади.

Штат қонунлари ҳар бир штатда қурилишни тартибга солувчи алоҳида қонунлар бўлиб, давлат томонидан қурилиш жараёни қатъий назорат қилинади.

Федерал ҳимоя - «Real Estate Settlement Procedures Act» (RESPA) қонуни шаффоф молиявий операциялар ва фирибгарликнинг олдини олишга йўналтирилган.

КАНАДА ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ МЕХАНИЗМЛАР

Қурилиш суғуртаси - ҳар бир қурилиш лойиҳаси мажбурий равишда суғурталанади. Суғурта дефектлар, кечикишлар ёки қурилишнинг нотўғри бошқарилиши учун компенсация беради.

Фақат аккредитациядан ўтган қурувчилар ҳиссадорларнинг маблағларини жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Маълумотлар шаффофлиги – ҳиссадорлар қурилишнинг барча босқичлари бўйича маълумотларни электрон платформалар орқали олиш имкониятига эга.

ХИТОЙ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ МЕХАНИЗМЛАР

Эскроу тизими - ҳиссадорларнинг маблағлари мақсадли фойдаланиш учун эскроу ҳисоб-рақамларда сақланади.

Давлат томонидан қатъий назорат - давлат қурилиш жараёнининг барча босқичларини текширади ва тасдиқлайди.

Ахборот шаффофлиги - ҳиссадорлар давлат платформалари орқали қурилиш ҳолати тўғрисида маълумот олишлари мумкин.

Компенсация жамғармалари - қурувчилардан ажратилган маблағлар ҳисобига ҳудудий жамғармалар ташкил этилади.

Ушбу хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш Ўзбекистон қонунчилигини такомиллаштириш учун муҳим сабоқлар беради ва қонун лойиҳаси ишлаб чиқилишида қуйидаги асосий йўналишларга эътибор қаратилди:

Эскроу ҳисоб-рақамлар тизимини яратиш;

Давлат компенсация жамғармасини ташкил этиш;

Қурувчиларнинг молиявий барқарорлиги ва лицензиялаш тизимини кучайтириш;

Қурилиш жараёнида ахборот шаффофлигини таъминлаш;

Суғурта тизимини мажбурий тартибда жорий қилиш;

Давлат томонидан назорат ва аудитни кучайтириш.

Фикримизча, «Уй-жой қурилишида фуқароларнинг ҳиссадорлик иштирокини тартибга солиш ва уларнинг молиявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий қилинаётган уй-жой сотиб олиш учун эскроу ҳисобларининг кафолатланган янги тизими учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиб беради. Фуқароларнинг молиявий хавфсизлигини таъминлаш ва қурилиш жараёнини шаффофлигини оширишга хизмат қилади.

Улуғбек ВАФОЕВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси раиси ўринбосари,
иқтисод фанлари номзоди.

ҚАРДОШ МИНБАРИ

ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Дўстлик - бебаҳо неъмат. Дўстона муносабатлар самимийлик, ўзаро ишонч тамойили асосида янада мустаҳкамланади. Худди шундай, тарихий илдизи туташ, тили ва дини бир икки қардош эл – ўзбек ва қозоқ халқлари асрлар оша тинч-тотув, яқин қўшничилик тамойили асосида умргузаронлик қилиб келмоқда. Ўзбек ва қозоқнинг борар бозори ҳам, мозори ҳам бир, ўзаро қуда-андачиликни йўлга қўйиб, бир-бирига елкадош бўлган. Бежиз қозоқ халқида “Ўзбек – ўз оғам”, ўзбекларда эса “Қозоқдан йўлдошинг бўлса, йўлда адашмайсан” нақллари айтилмаган. Ҳа, биз асрлар гирдобида яхши-ёмон кунларда синалган халқмиз.

Қадим ва ўрта асрларда Осиё ва Европани боғловчи Буюк Ипак йўли орқали турли халқлар бир минтақадан иккинчи минтақага боришлари, бу эса ўз навбатида маданиятлар ва билимларнинг алмашинувига олиб келди. Савдо-сотиқ ривожланиши орқали мамлакатлар орасида алоқалар янада мустаҳкамланди.

Бугунги глобаллашув жараёнида аждодларимиздан мерос ўзаро қардошлик тамойили асосида иқтисодий алоқаларимиз тобора ривожланиб, Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий, транспорт-транзит, сув хўжалиги ва энергетика, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигини кенгайтиришга устувор йўналиш сифатида қаралмоқда. Икки давлат раҳбарларининг оқилона сиёсати натижасида ўзаро муносабатлар стратегик шериклик ва иттифоқчилик руҳида изчил ривожланиб бораётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу эса икки давлат ишбилармон вакиллари орасида иқтисодий алоқалар ривожланиши, сармоявий муҳит ижобий томонга силжиши, кооперация асосида мустаҳкам иқтисодий тизим яратилишига замин бўлмоқда. Бунинг самарасида савдо алоқалари Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишига айланди. Икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми яқин кунларда 5 миллиард долларга етиши ўз-ўзидан юз берган жараён эмас. Эндиликда икки давлат ҳукумати иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 10 миллиард АҚШ долларига етказиш устида иш олиб бормоқдалар. Шунингдек, кейинги йилларда Қозоғистон –Ўзбекистон чегарасида “Марказий Осиё” халқаро саноат кооперацияси марказини барпо этиш лойиҳаси муҳокама қилинмоқда. Ташаббус муваффақиятли амалга ошса, ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқалар ривожи янги босқичга чиқади.

Ҳар қандай давлатнинг иқтисодий юксалиши экспорт ҳажмини ошириш чора-тадбирларига бевосита боғлиқ. Экспортнинг самарали бўлиши эса ўз навбатида транзит, етказиб бериш тизимини тўғри ташкил этишни тақозо қилади. Қозоғистон Афғонистон, Эрон, Покистон, Ҳиндистон ва бу давлатлар орқали Ҳинд уммони ва Форс кўрфазига чиқиш учун Ўзбекистон орқали транзитдан фойдаланса, Ўзбекистон учун бепоён Россия ва тараққий этган Европа давлатлари, шунингдек, Хитойга экспортни амалга ошириш, савдо алоқаларини ўрнатиш учун Қозоғистон орқали транзит энг қулай ва ишончли ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам, йирик темир йўл тизими ва автомобиль йўллари Ўзбекистонни Қозоғистон орқали Европа ва Россия билан бевосита боғлашда муҳим роль ўйнайди. Бу эса ўз навбатида бугунги замонавий “Буюк Ипак йўли”нинг кўриниши, десак муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда Қозоғистонда ярим миллиондан зиёд маҳаллий ўзбеклар истиқомат қилади. Уларнинг ўз она тилида таълим олиши, миллий-маданий қадриятларини рвиожлантириши учун барча имконият яратилган. Мамлакат ҳудудида ўзбек тилида “Жанубий Қозоғистон” ижтимоий-сиёсий давлат газетаси ҳамда “Сайрам садоси” ва “Адабиёт ва санъат” хусусий газеталари нашр этилиб, 10 та адабий-ижодий бирлашма муваффақиятли фаолият юритаётганини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Чимкент шаҳар ўзбек драма театри ва 45 йиллик тарихга эга “Қорачиқ” ўзбек халқ театри мавжуд. “Ғунча” ва “Дилшод” ўзбек халқ ансамбллари фаолият юритмоқда. 2024-2025 ўқув йилида 141 та ўрта мактабда таълим аралаш тилларда, жумладан, ўзбек тилида ҳам олиб борилмоқда. Улардан 108 таси Туркистон вилоятида, 32 та мактаб Чимкент шаҳрида, қолган биттаси Жамбил вилоятида жойлашган.

Ўзбекистонда эса 800 мингдан ортиқ этник қозоқ умргузаронлик қилади. Республика қозоқ маданият маркази, 30 та вилоят ва туман бўлимлари фаолият юритмоқда. Қозоқлар зич яшайдиган жойларда 370 та қозоқ-ўзбек умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, улардан 70 тасида қозоқ тилида таълим беради. “Нурли жол” республика газетаси, яна қатор нашрлар қозоқ тилида чоп этилмоқда, қозоқ театрлари ва халқ ансамбллари мавжуд. Икки давлат ижодий жамоалари иштирокида концерт дастурлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Икки давлат орасидаги ҳамкорликнинг яна бир муҳим бўлаги – бу трансчегаравий дарёларнинг сув захираларидан мажмуавий ва оқилона фойдаланиш ҳисобланади. Марказий Осиё халқлари учун асосий ҳаёт манбаи бўлмиш икки дарё – Амударё ва Сирдарё минтақа ривожида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Бу икки дарёнинг суви минтақанинг экологик аҳволини яхшилаши баробарида қишлоқ хўжалиги, хусусан, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда катта роль ўйнайди. Амударё Тожикистонда бошланиб, Ўзбекистон ва Туркманистон ҳудудидан оқиб ўтса-да, Орол денгизига қуйилиши боис Қозоғистон учун ҳам билвосита аҳамият касб этади. Сирдарё дарёси трансчегаравий сув манбаи саналади. Ўзбекистондан Қозоғистонга экин суви асосан “Дўстлик” давлатлараро канали орқали берилади. Икки давлат ҳукуматлараро мувофиқлаштирувчи кенгашининг ҳамкорликда иш олиб бориши натижасида бугунги кунда Сирдарё дарёси, “Арнасой” ва “Дўстлик” каналларида сув қишлоқ хўжалиги соҳаси учун етарли даражада, Айдаркўлга ҳам зарур миқдорда сув қуйилмоқда. Қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш натижасида Сирдарё дарёсида сув сатҳи бирмунча кўтарилиб, Орол денгизининг шимолий қисмида ҳаёт жонлана бошлади. Демак, минтақа аҳолисининг турмуши сув соҳасида ҳамкорликнинг нечоғли самарали бўлиши билан ҳам узвий боғлиқ, дейишимизга асосимиз бор.

Биз бирлашсак, бир эл, бир жон бўлиб ҳамкорликда иш олиб борсак, фақат юксак марраларни забт этишимиз муқаррар. Қон-қардош ўзбек ва қозоқ халқларининг асрлар оша сайқал топган дўстлиги абадий бўлиб, яхши қўшничилик анъаналари бардавом этиши минтақада етакчи бу икки давлатнинг жадал тараққий этишига хизмат қилади.

Саид ХАЙРУЛЛОҲ,
журналист, жамоат фидойиси,
Қозоғистон.



КОНСТИТУЦИЯ – МЕНИНГ ҲАЁТИМДА

АЁЛ БАХТИ – ЖАМИЯТ САОДАТИ

Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди.

58-модда.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг оилада, жамиятда ўрнини ошириш, барча соҳада гендер тенгликка эришиш, умуман, ҳар бир аёлнинг ҳаётдан мамнун ва рози бўлиб яшаши учун олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар бугун ўз мевасини бера бошлади.

Маҳалламизда 2 ярим мингдан зиёд аҳоли яшайди. Беш қўл баробар бўлмаганидек, ўзига тўқ, рўзғори бадастир оилалар оз эмас, шу билан бирга қайсидир сабабларга кўра қора қозони зўрға қайнаб турган хонадонлар ҳам бор. Мана шундай эҳтиёжманд оилаларга кўмаклашиш, бунинг учун эса ушбу оила аъзоларини ўзини ўзи банд қилиш, касб-ҳунарга йўналтириш орқали доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш чоралари кўрилаётир. Айниқса, "Аёллар дафтари"да турган опа-сингилларимизни ишли қилишга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Жумладан, ана шу тоифадаги аёлларимизнинг саккиз нафарига субсидия асосида тикув машинаси берилди. Олти нафар аёлга кичик бизнесни йўлга қўйиши учун имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Масалан, улардан бири Шаҳноза Шаҳанова ўз хонадонида тикув цехини очиб, 4 нафар маҳалладош аёлни иш билан таъминлаган бўлса, яна бир ишбилармон аёлимиз - Ҳурматой Эшматова ҳам ўн нафар хотин-қизни ёнига олиб, буюртмалар асосида тикув маҳсулотларини ишлаб чиқармоқда. У ишга олган аёлларнинг 4 нафари ногиронлиги бор маҳалладошларимиздир.

Аёлларнинг бандлигини таъминлаш баробарида улар ўртасида ҳуқуқий-сиёсий маданиятни юксалтириш, туғруқ ёшидаги опа-сингилларимизнинг репродуктив саломатлигини асраш, ажримларнинг, оилавий зўравонликларнинг олдини олиш борасида ҳам тизимли ишларни амалга ошириляпмиз. Маҳалламиздаги мана шу 500 дан зиёд хонадонда яшаётган ҳар бир хотин-қизнинг тақдири, керак бўлса, орзу-истакларидан бохабармиз, десам муболаға бўлмайди.

Қайсики оилада аёл бахтли бўлса, ўша оилада файз-у барака, тотувлик бўлади. Ҳар бир аёл ўз салоҳияти ва изланиши билан жамият ҳаётида фаол иштирок этса, у тарбиялаётган фарзандлар ҳам эл-юрт корига ярайдиган инсонлар бўлиб камолга етади. Хотин-қизлар ўртасида конституциявий ҳуқуқларини чуқур тушунтириш, уларга давлат томонидан кафолатланган имконият ва имтиёзларни кенг етказиш, барча соҳада фаол бўлишга ундаш чора-тадбирларига урғу бериб келаётганимиз боиси ҳам шунда.

Назокатхон ПИРМАТОВА,
Қувасой шаҳридаги "Бўстон" МФЙ
хотин-қизлар фаоли.

ТАҚДИРИН ҚЎЛ БИЛАН ЯРАТУР ОДАМ...

Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

57-модда.

Эътибор берганмисиз, кўпни кўрган кексалар дуога қўл очганида "Ўзгага муҳтож қилмасин", дейди. Йиллар ўтгани сари мана шу тилак замиридаги кўп ҳақиқатларни англаб етяпман. Ҳар бир инсон бу ҳаётда ўз ақли, ўз кучи, ўз имконияти билан ўрнини топишга интилиши чинакам бахт экан. Бугун мен ана шу бахтни ҳис қилиб яшаяпман.

Болалигимда бахтсиз ҳодиса туфайли чап қўлимдан айрилганман. Кўчада, мактабда тенгдошлари билан баравар ўйнаб-кулиб юрган боланинг бирдан ногиронга айланиб қолиши қанчалар уқубатли эканини мендан сўранг! Оғриқлар, тушкунлик, яқин инсонларим кўзларидаги қайғу – булар мени тез улғайтириб қўйди. Дастлаб ўзимни ўртоқларимдан, ҳамма-ҳаммадан четга тортдим. Атрофдагиларнинг менга ачиниб қарашлари ёқмас эди... Вақт ўтиб, ҳаммасига кўникдим. Нафақат кўникдим, балки яшаш учун, яшаганда ҳам бошқалардан кам бўлмай яшаш учун ўзимда куч топдим.

Ўрта мактабни битиргач, Самарқанд давлат университетида иқтисодиёт йўналишида ўқидим. Олий таълимни тугатгач, мутахассислигим бўйича иш изладим. Бир муддат савдо-сотиқ ва бошқа турли ишларда ўзимни синаб кўрдим.

Юртимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, тадбиркорлар учун имконият ва имтиёзларни кенгайтириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни кўриб-билиб турибмиз. Мен ҳам яратилган имкониятлардан четда турмасликка ҳаракат қилиб, ўтган йили Хитойдан зарур ускуналарни олиб келдим ва бир марта фойдаланиладиган қоғоз идишлар ишлаб чиқаришни бошладим. Ҳозир мўъжаз цехимизда кунига 10 мингта 200 граммлик қоғоз стакан ишлаб чиқарамиз.

Энди мен бу билан чекланиб қолмоқчимасман. Тадбиркорлик фаолиятимни ривожлантириб, маҳсулотлар тури ва сонини ошириш ниятидаман. Айтгандай, "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази орқали иш сўраб мурожаат қилган ногиронлиги бор шахсларнинг уч нафарини иш билан таъминлаганман.

Шу ерда бир гапни айтмасам бўлмайди. Шаҳримиздаги "Инсон" ижтимоий хизматлар марказига тез-тез бориб тураман. Марказ ишини кўриб, меҳнатга лаёқатсиз, мен каби ногиронлиги бор инсонлар учун давлатимиз томонидан қаратилаётган эътибор ва ғамхўрликдан мамнун бўламан. Бироқ баъзан бу марказдан ёрдам сўраётганларнинг барчасини ҳам кўмакка муҳтож, деб бўлмайди. Йиллар давомида давлатдан ва саховатли кишилардан моддий ёрдам олишга ўрганиб, боқиманда бўлиб қолганлар, афсуски, ҳамон бор. Ана шундай тоифа инсонларга қарата бир гапни айтгим келади: тақдирни инсон ўз қўли билан яратади. Тўрт мучанг соғ бўлса-ю, давлат нафақасига қараб кун кўрсанг, бу – сенинг айбинг. Ҳаракат билан, меҳнат билан топилган нон тотли бўлади.

Азим ФАЙЗИЕВ,
иккинчи гуруҳ ногирони, Самарқанд шаҳри.

ЯХШИ НИЯТНИНГ ҚАНОТИ БЎЛАДИ

Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради.

79-модда.

Бу ҳаётда ҳар кимнинг оладиган насибаси ҳар хил экан. Кўпинча болаликда "Мактабни тугатсам, фалон университетга кираман, фалон касб эгаси бўламан", деб орзу қиларкансан-у лекин бундай орзуларга ҳамма ҳам етишавермаскан.

Мактабни битиргач, талаба бўлолмадим. Қўлимда на ҳунарим бор, на касбим. Маҳаллада вақтинча ишсиз ёшлардан бири сифатида "Ёшлар дафтари"га киритилдим. Ўз хаёлимда мен каби ишсиз қишлоқдошларим ортидан хорижга ишлашга кетишни режалаштирдим. Лекин, биламан, у ёқларда ишлаш ҳам осонмас, ҳеч ким ҳеч қаерда текинга нон бермайди!

Кунларнинг бирида маҳалла идорасидан хабар беришди. "Ёшлар дафтари"га киритилган 20 нафар мен каби ёшларга 50 сотихдан унумдор ер ажратиладиган бўлибди. "Президентимизнинг ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш тўғрисидаги қарори асосида бўляпти бу ишларнинг бари. Марҳамат, ерни ол, меҳнат қил, даромад топ!"- деди маҳалламиз раиси.

Шундай қилиб, бекор юргандан кўра, шу берилган ерга экин-тикин қилай, деб енг шимариб ишга киришдим. Кимдир карам, кимдир гул карам, маккажўхори каби сабзавот ва полиз экинларини экди. Мен эса ерёнғоқ уруғини қададим.

Буни қаранг, биринчи йилданоқ ҳосил мўл бўлди. Бир мен эмас, қишлоқдаги бошқа сафдошларим ҳам деҳқончиликдан баракали ҳосил кўтарди. Даромад ҳам шунга яраша бўлди...

Режаларим кўп. Деҳқончиликни ривожлантириб, келгусида ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчиман. Шуни тушундимки, яхши ният билан ерга уруғ қадасанг, албатта, ҳосил берар экан. Худди шундай, яхши ният билан ҳаракат қилсанг, сени атрофдагилар ҳам қўллаб-қувватларкан. Муҳими, биз, ёшлар давлатимизнинг ҳамиша эътиборида эканимизга яна бир бор иқрор бўлдим. Бизнинг мақсадимизга, тақдиримизга давлат ғамхўрлик қилади, ёлғиз қолдирмайди. Мана шунинг ўзи инсонга келажакка интилиш учун қанот беради.

Мусулмон ЭЛМУРОДОВ,
Сурхондарё вилояти Бандихон тумани
«Қалдирғоч» маҳалласи.

ТАРАҚҚИЁТНИ ЖАДАЛЛАШТИРУВЧИ КУЧ

Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга.
Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди.

50-модда.

Ота-онам ўқитувчи. Шунинг учун ҳам мактаб ҳаёти, ўқиш ва ўқитишдаги янгиликлар, таълим тизимидаги ўзгаришлар – бари-барини ота-онам касбий фаолияти мисолида кўриб, гувоҳи бўлиб келяпман.

Эндигина мактабга чиққан пайтларим анча-мунча нарсага ақлим етарди. Сентябрь келиб, ўқиш бошланди, дегунча, ўқитувчилар ва юқори синф ўқувчилари пахта йиғим-теримига бошқа туманга жўнатилар (бизнинг Китоб тумани тоғли ҳудуд бўлгани учун пахта етиштирилмасди), табиийки, ота-онам ҳам барча қаторида "пахтага ётоққа" кетар, опам, акам ҳамда мен қариндошлар қўлида қолардик ва қишгача аҳвол шу эди. Лекин саккиз йил олдин бундай сарсон-у оворагарчиликларга нуқта қўйилди. Ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам мажбурий меҳнатдан озод этилди. Ота-онам эса энди хотиржам, танлаган касбидан мамнун бўлиб, ёш авлодга таълим-тарбия бериш йўлида сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқдалар. Ўзим эса 2021 йилда Қарши шаҳрида очилган Президент мактабига имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, ўқишга кирдим.

Сўнгги уч йилда ушбу мактабда энг замонавий шарт-шароитларда, хорижлик малакали ўқитувчилардан таълим олдим. Иқтисодиёт, IT, инглиз тилини пухта ўзлаштирдим.

Президент мактабида ўқитиш жараёнлари "Steam-ta'lim" усулида табиий фанлар, техник ижодкорлик, санъат, математика дастурлари бўйича амалга оширилиши, дарслар инглиз тилида олиб борилиши ўқувчи-ёшларнинг замонавий меҳнат бозорига мос кадрлар бўлиб етишишига замин яратади.

Қарши шаҳридаги Президент мактабининг бу йилги битирувчилари ҳам (улар сафида эканимдан қувонаман!) юртимиздаги ва хориждаги нуфузли олийгоҳларга ўқишга қабул қилиниб, айни пайтда шахсий ривожланишдан тўхтамай, муваффақиятларга эришаётгани бежиз эмас.

Президентимиз 8 декабрь – Конституция куни муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригида таълим соҳасидаги дастурлар доирасида яқин йилларда олийгоҳларда қамров 50 фоизга етказилиши маълум қилинди. Бу мамлакатимизда узлуксиз таълимни ривожлантириш учун, ёшлар замонавий касбларни эгаллаши учун давлат томонидан яратилаётган имкониятлар қамрови янада ошишидан далолат беради.

Юртимизда илм-у маърифат йўлини танлаб, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлишни мақсад қилган тенгдошларимга, ука-сингилларимизга муваффақият эшиклари очиқ. Фақат бунинг учун ҳаракат ва меҳнатдан қочмаслик зарур. Билимли ва рақобатбардош ёшлар эса мамлакатимиз тараққиётини жадаллаштирувчи куч ҳисобланади.

Алишер СУЛТОНОВ,
Янги Ўзбекистон университети талабаси.

ВАТАНДАН ЙИРОҚДА ҚУВОНЧ ТАТИМАС

Давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўради.

43-модда.

Яширмаймиз, қишлоқ-маҳаллаларимизда тайинли иш топа олмаган аёл-эркак борки, хорижга ишга кетиш ўйига тушади. Яқин-яқингача бундай кайфиятни тушунса бўларди, лекин бугунги кунда юртимиз қишлоқ туманларида саноатни, ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали иш ўринларини очиш, камбағалликни қисқартириш, фуқароларни ишсизликдан ҳимоялаш йўлида сезиларли ишлар қилиняптики, мусофирчиликда топадиган тўрт-беш сўм пулни энди Ватандан, оиладан узоққа кетмай, шу ерда ҳам топиш мумкинлигини одамларимиз аста-секин тушуниб етмоқдалар.

Мен ҳам беш йил Россияда, мебель фабрикасида ишладим. Мусофирчиликда юрганимда "Мана шундай ишлаб чиқаришни юртимизда ҳам қилсак бўлади-ку", деган фикр тинчлик бермасди. Фарғонага қайтгач, мебель цехи очиб, 4-5 киши билан иш бошладим. Дастлаб бўш турган давлат объектларини ижарага олиб, фойдаландик. Ишловчилар сони 20 нафарга етганда, вилоят ҳокимига ер сўраб мурожаат қилдик. Мурожаатимиз изсиз кетмади – Қувасой шаҳридаги "Бунёдкор" ёшлар саноат зонасидан ер ажратиб берилди. Ҳозирда корхонамизда 30 турдан ортиқ юмшоқ мебеллар конвейер усулида ишлаб чиқарилмоқда. Ишчиларим сони эса 50 нафарга етди. Тайёр маҳсулотларимизга буюртмалар жуда кўп. Айни пайтда мебель маҳсулотларимизни Ўзбекистоннинг барча ҳудудларига етказиб беряпмиз. Шунингдек, Тожикистон ва Қирғиз Республикасига экспортни йўлга қўйдик.

Ишчиларимнинг барчаси 30 ёшдан ошмаган йигитлар. Уларнинг 20 нафари корхонамга ишга келгунга қадар хорижда мигрант сифатида ишлаб юрган ёшлар эди. Бугун эса улар оиласи бағридан узоқлашмай, хотиржам меҳнат қилиб, даромад топмоқда. Ойлик даромадлари рўзғорини бут, дастурхонини тўкин қилишга бемалол етади.

Келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириб, камида яна юзта иш жойи очишни кўзлаб турибман. Бунинг учун имконият ҳам, салоҳиятимиз ҳам етарли. Янги иш жойларига хорижда ишлаб юрган ҳамюртларимизни жалб қилмоқчимиз. Уларни она юртга қайтармоқчимиз. Чунки, яхши биламан, Ватандан узоқда инсонга ҳеч бир қувонч татимайди, бахт тугал бўлмайди.

Ихтиёр УСМОНОВ,
"IDECO мебель" МЧЖ раҳбари,
Фарғона вилояти.

Саҳифани Фарида МАҲКАМОВА тайёрлади.



9 ДЕКАБРЬ – ХАЛҚАРО КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ КУНИ

— Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2003 йил 21 ноябрдаги резолюциясига мувофиқ, 2004 йилдан бошлаб 9 декабрь “Бутунжаҳон коррупцияга қарши курашиш куни” сифатида нишонлаб келинмоқда. Коррупция дунё миқёсида ҳал этилиши лозим бўлган глобал муаммолардан биридир. Бу иллат ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Шу боис унга қарши курашиш халқаро аҳамият касб этиб, жаҳон сиёсатининг муҳим масалалари қаторидан жой олди.

БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ



Феруза РАҲИМОВА,

халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши депутати, ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

АЙНИ ЧОҒДА ЖАМИЯТНИ ТАНАЗЗУЛГА ОЛИБ КЕЛУВЧИ БУ ИЛЛАТГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ, ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАР ТИЗИМИ, ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ МАЗКУР СОҲАДАГИ ИШТИРОКИ, ЖАЗО МУҚАРРАРЛИГИ ВА БУ БОРАДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ КАБИ ЧОРАЛАР МУСТАҲКАМЛАБ ҚЎЙИЛДИ.

Хусусан, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар дастуруламал бўлиб келмоқда.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун мақсади ушбу соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, унда «коррупция», «коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик», «манфаатлар тўқнашуви» каби асосий тушунчаларга изоҳ бериш билан бир қаторда, коррупцияга қарши курашишнинг муҳим принциплари ҳам қайд этилган. Айни чоғда жамиятни таназзулга олиб келувчи бу иллатга қарши курашиш борасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ваколатли органлар тизими, ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг мазкур соҳадаги иштироки, жазо муқаррарлиги ва бу борада халқаро ҳамкорликни таъминлаш каби чоралар мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонуннинг 3-моддасига кўра, коррупция шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишидир.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, бу турдаги ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, унга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш коррупцияга қарши курашишда давлат сиёсатининг устувор йўналишлари саналади.

Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ошириш учун махсус давлат органи ташкил этилиб, бу борадаги давдат сиёсатининг институционал асослари такомиллаштирилгани яна бир аҳамиятли жиҳатдир. Яъни, Президентимизнинг 2020 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, Коррупцияга қарши кураш агентлиги ташкил этилгани бу йўлда муҳим қадам бўлди. Агентлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари, вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда халқаро нормаларни илгари сурган ҳолда хорижий тажриба атрофлича ўрганилди. Унинг энг мақбул жиҳатлари Президентнинг мазкур Фармонида тўлақонли акс эттирилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари ташкил этилди.

Албатта, тараққиётга ғов бўладиган бу иллатга қарши курашиш бутун жамиятдан «ҳалоллик вакцинаси билан эмланиш»ни тақозо қилади. Чунки, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди.

Бугун жамиятимизда коррупцияга қарши муросасиз муҳитни яратиш жамоатчиликнинг кенг иштирокида амалга оширилмоқда, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Хусусан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тизими тубдан такомиллаштирилиб, Президентнинг Халқ ва Виртуал қабулхоналари, «Ишонч телефони» ҳамда ҳар бир вазирлик ва давлат идораларининг «ишонч телефонлари», «виртуал қабулхоналари» ташкил қилиниб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида барча даражадаги давлат раҳбарларининг «сайёр қабуллар»-ни ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Бу эса муаммолар ечимини топишда очиқлик принципларига асосан коррупциянинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни муносабати билан мамлакатимиз бўйлаб “Аксилкоррупция ойлиги”ни ўтказиш яхши анъанага айланганини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир. Ойлик доирасида вазирлик ва идоралар, таълим муассасаларида “Очиқ эшиклар куни” тадбирлари ташкил этилмоқда.

Жумладан, ЎзХДПдан халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашига янги сайланган депутатларимиз билан ҳудуддаги ташкилот ва идораларда коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш масалаларига бағишланган давра суҳбатларини, Маънавият соатлари ва бошқа шакллдаги тадбирларни ўтказишга киришганмиз. Ҳар бир ташкилот ва идорада йўлга қўйилган “Очиқ эшиклар куни” эса улар фаолиятининг очиқлигини таъминлашга, жамоатчилик билан шаффоф муносабатларни қарор топтиришга хизмат қилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш аслида ҳар биримиздан қонун талабларига бўйсуниб яшашни, ҳалолликни талаб қилади. Ҳалоллик - бу қалб поклиги ва хотиржамлиги, маънавий етуклик ўзагидир.

ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК БОР ЖОЙДА КОРРУПЦИЯГА ЎРИН ЙЎҚ



ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб коррупция халқаро даражадаги глобал муаммолардан бирига айланди. Коррупция дунё бўйлаб халқаро савдога миллиардлаб зарар келтираётгани боис, БМТ Бош Ассамблеясининг 2003 йил 21 ноябрдаги резолюциясига мувофиқ, 2004 йилдан эътиборан 9 декабрь – Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни сифатида қабул қилинди.

Бош Ассамблея резолюциясида ушбу кунни белгилашдан мақсад, коррупция муаммосининг туб моҳиятини тушуниб етиш ва у билан курашиш ҳамда унинг олдини олишдан иборатлиги қайд этилган. Мамлакатимизда ҳам коррупцияга қарши курашиш учун қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ “Комплаенс-назорат” ва коррупцияга қарши курашиш бўлими ташаббуси билан “Чирчиқ ГЭСлар каскади” филиалида очиқ эшиклар куни ташкил этилди.

Унда сўзга чиққан мутасаддилар тизимда коррупцияга қарши курашиш йўналишида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бераётганини айтиб ўтишди.

Қайд этилганидек, 2017 йил 3 январда қабул қилинган “Коррупцияга қаршиш курашиш тўғрисида”ги қонунда коррупция тушунчаси ва унга оид асосий принциплар белгиланган. Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ, коррупцияга қарши курашишда қонунийлик, очиқлик ва шаффофлик, ҳамкорлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги каби принципларга таянилади.

– Бугунги кунда филиалда барча иш жараёнларида шаффофлик таъминланган, – дейди “Чирчиқ ГЭСлар каскади” филиали раҳбари Абдурасул Шодмонов. – Ходимлар ўртасида мамлакатимизда коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида атрофлича маълумот бериб борилмоқда. Шунингдек, бугунги тадбир ҳам бу ишларимизнинг бир қисми ҳисобланади. Асосий мақсадимиз ишчи-ходим ва ёшларга коррупциянинг зарарини тушунтириш ва унга қарши муросасиз муносабат шакллантиришдир.

Бундан ташқари, харидларни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Элдор Маматов харидлар тизимида коррупциянинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларда қандай амалий натижаларга эришилгани юзасидан тақдимот қилди.

– Давлат харидларида шаффофликни таъминлаш ва коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида электрон савдо платформаларидан фойдаланиш йўлга қўйилган, – дейди Элдор Маматов. – Бу жараён барча иштирокчилар учун тенг имконият яратиб, инсон омилини камайтиради. Жамиятда харидларнинг очиқлиги ва қонунийлигини таъминлаш орқали коррупцияга қарши курашишда юқори натижаларга эришяпмиз.

Масъулларнинг соҳада коррупциянинг олдини олиш мақсадида олиб борилаётган ишлар хусусидаги сўзларини тинглаб, ҳар бир ташкилотда, айтиш жоиз бўлса, ҳаётимизда коррупцияга ўрин қолдирмаслигимиз, бу масалада муросасиз бўлишимиз бизга кутилган натижани беради, деган хулосага келиш мумкин.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

ГАЗ ЧЕКЛАНДИ, БЕНЗИН ҲАЖМИ ОШДИ

ЭНЕРГЕТИКА ВАЗИРЛИГИ ХАБАРИГА КЎРА, СОВУҚ ҲАВО ТУФАЙЛИ АЙРИМ ҲУДУДЛАРДАГИ АВТОМОБИЛЛАРГА ГАЗ ТЎЛДИРИШ ШОХОБЧАЛАРИ ФАОЛИЯТИГА КИРИТИЛАЁТГАН ҚИСҚА МУДДАТЛИ ЧЕКЛОВ САБАБЛИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ЧИҚАРИЛАЁТГАН БЕНЗИН ҲАЖМИ ВАҚТИНЧАЛИК ОШИРИЛАДИ.



Вазирлик ахборот хизматининг қўшимча қилишича, бунинг учун барча ҳудудларда зарур миқдорда захиралар яратилган. Талаб ва таклифга қараб биржа савдоларига жойлаштирилаётган бензин ҳажмини янада ошириш имконияти мавжудлиги маълум қилинади.

Қолаверса, истеъмолчиларнинг бензинга бўлган талабини тўлиқ қондириш масаласи давлат назоратига олинган. Шу билан бирга, жорий куз-қиш мавсумида мамлакат аҳолисини бензин билан зарур миқдорда ҳамда узлуксиз таъминлаш юзасидан барча зарурий чоралар кўрилган.

Вазирлик хусусий автозаправкалар эгаларидан нархларни сунъий равишда оширмасликни, бензинни сифат ва миқдор жиҳатидан тўғри сотишни сўраган. Айни вақтда ишчи гуруҳлар томонидан назорат тадбирлари ўтказилмоқда.

Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, аввалроқ Энергетика вазирлиги кескин совуқ шароитида аҳолини узлуксиз энергия таъминоти билан таъминлаш бўйича кўрилаётган чоралар ҳақида маълумот берганди.

Вазирлик маълумотларига кўра, сўнгги кунларда мамлакат ҳудудига совуқ ҳаво оқими кириб келиши туфайли энергия ресурсларига бўлган талаб сезиларли даражада ошган. Кунлик табиий газ истеъмоли ўтган ҳафтага нисбатан 20 фоизга, электр энергияси истеъмоли эса 15 фоизга кўпайган.

Аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини энергия билан таъминловчи иншоотлар 24 соатлик иш режимига ўтказилган. Ишларнинг бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатилган. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш вақти ўтган йилга нисбатан 3–3,5 соатдан 1–1,5 соатга қисқартирилган. Шунингдек, олдинги йилларда генерация қуввати танқислиги туфайли мажбурий чекловлар киритилган бўлса, янги ишга туширилган қувватлар ҳисобига жорий йилда бу каби чекловлар киритилиши бартараф этилган.

Ўз мухбиримиз



ДЕПУТАТЛАР ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИГА ҚАТЪИЙ КИРИШДИ

Хабарингиз бор, яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастури ижросига қаратилган 2024 2029 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурини тасдиқлади. Унда 10 та йўналиш, 15 қадам ва 122 банддан иборат вазифалар белгиланган бўлиб, дастур доирасида 2 та янги кодекс, 10 та янги қонун ташаббуси билан чиқиш, 10 та кодекс ва 50 та яқин қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, 20 та норматив ҳужжатлар ижроси устидан парламент ва депутатлик назорати олиб бориш каби мақсадлар кўзда тутилган.

Ҳаракатлар дастурининг биринчи йўналиши қонунчилик ва парламент назорати, партиянинг сайловчилар билан ишлаш фаолиятини танқидий кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлса, иккинчи йўналиш қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган. Учинчи йўналишда депутатларнинг сайлов округидаги ва партиянинг аҳоли ўртасидаги тарғибот ишларини тубдан ўзгартириш, тўртинчи йўналишда эса партия депутатларининг парламент ва депутатлик назоратидаги иштирокини кучайтириш вазифалари ўрин олган. Бешинчи йўналиш барча даражадаги депутатларнинг сайлов округларида ишларини жонлантириш, бунда қонунлар ижроси борасида ахборот алмашиш механизмини жорий қилиш билан боғлиқдир.

Ҳаракат дастури партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари учун стратегик ҳужжат ҳисобланади. Шу маънода ундаги ҳар бир вазифага фидойилик билан, виждонан ёндашиш керак.

Албатта, Ҳаракат дастуридаги ҳар бир мақсад, ҳар бир бандниг қай даражада самарали ҳал этилиши маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар фаоллигига, салоҳиятига ва масъулиятига ҳам боғлиқ.

Хўш, депутатларимиз ўзгаришларга тайёрми? Ҳаракат дастури ижросини таъминлашга қаратилган режалар қандай? Депутатларимизнинг шу бўйича фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

**Ўрол ЎРОЗБОЕВ,
халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгаши депутати:**

– Кейинги йилларда маҳаллий давлат бошқарувини демократлаштириш, ҳудудлар тақдири билан боғлиқ қарорларни бир киши эмас, кўпнинг фикри билан қабул қилиш бўйича яхши натижаларга эришилмоқда. Халқ депутатлари Кенгашлари ҳозир энг муҳим масалалар бўйича қарор қабул қилишда кўплаб ваколатларга эга бўлди, бу – Кенгашларнинг салоҳияти, масъулияти ошишига замин яратди.

Шунга яраша маҳаллий Кенгашлар фаолияти сезиларли даражада фаоллашиб бориши ҳам керак, албатта. Кенгашлар уйғоқ экан, ҳудудлар ривожланади, депутатлар фаол экан, аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топилади. Ҳозир ҳамма жойда ҳаёт қайнаган, ислоҳотларнинг кўлами кенг. Кўпчилик депутатларимиз Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш учун янги режалар тузиш, аниқ манзилли чора-тадбирларни белгилаш ишлари билан банд.

Биламизки, партиямиз Сайловолди дастурига кўра, биз кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишга интиламиз. Бу ижтимоий барқарорликнинг таянчидир. Шундан келиб чиқиб, Ҳаракат дастурида ҳар бир шахснинг Конституция билан кафолатланган ижтимоий ҳуқуқларини адолатли ва самарали амалга оширилишини таъминлаш бўйича муҳим вазифалар белгиланган.

Мен халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашига 11-Гулбулоқ сайлов округидан депутат бўлиб сайландим. Яқинда депутатларимиз билан вилоятимизда ногиронлиги бўлган инсонлар учун яратилган тўсиқсиз муҳитни ўрганиш бўйича чора-тадбирлар режасини туздик. Ҳар бир депутатга шу бўйича ҳудудлардаги реал вазият билан танишиб, таклифлар тайёрлаш вазифасини қўйдик. Тўғри, кўп ҳудудларда, айниқса, чекка туманлардаги шоҳбекатларда кўзи ожизлар учун электрон ахборот эшитиш мосламалари, светофор ва махсус йўлакларда ногирон шахсларни огоҳлантирувчи овозли электрон жиҳозлари умуман йўқ. Бугунги кунда ногиронлиги бўлган шахсларнинг эркин ҳаракати учун етарлича шарт-шароит яратилмагани ҳаммамизга аён.

Жамиятимизда инклюзив таълимни ривожлантиришга устувор эътибор қаратиляпти. Бу яхши. Аммо бунинг учун, аввало, ногиронлиги бўлган шахслар кўчада, йўлда қийналмасдан, эмин-эркин юриши учун шароитларни яратишимиз керак. Бу масалани эса кечиктиришга ҳаққимиз йўқ. Шунинг учун биринчилардан бўлиб Ҳаракат дастурида белгиланган ушбу вазифа ижросига енг шимариб киришдик. Яқин кунларда бунинг натижаси ҳақида маълум қиламиз.

**Дурбек АБДУРАҲМОНОВ,
халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати:**

– Халқ депутатлари Кенгашларини ҳудудларда мавжуд муаммоларни ҳал қиладиган асосий бўғинга айлантириш вазифаси бежиз кун тартибига чиққани йўқ. Чунки маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз жойларда электорати манфаатларини ифодалайдиган, ҳимоя қиладиган энг муҳим кучдир. Партиямизнинг Ҳаракат дастури эса бу борада биз учун дастурулмалдир, десам муболаға бўлмайди.

Дастур партиямизнинг, депутатларимизнинг барча ғоя ва мақсадларини ўзида мужассам этгани билан аҳамиятли. Шунинг учун ҳам унда белгиланган вазифалар ҳаммамизга манзур бўлди.

Халқ депутатлари Андижон вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига Халқ демократик партиясидан 103 нафар депутат сайланди. Бу катта куч дегани. Зотан, маҳаллий Кенгаш назорат органи ҳисобланади. Депутатларни халқ сайлайди.

Шахсан ўзим депутатлик фаолиятимнинг илк кезларида халқ вакили бўлишнинг масъулиятини, вазифаларини англаб олишга ҳаракат қилдим. Ишни одамларга, жамиятга яқинлашишдан бошладим.

Яқинда депутатлик гуруҳи йиғилишида партиямизнинг 2024-2029 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурини ижро этиш масаласини муҳокама қилдик, вазифаларни белгиладик. Ҳар бир депутат сайлов округи бўйича, сайловчилар хоҳиш-иродаси, шаҳар ва қишлоқлардаги реал ҳолат бўйича таклифларини билдирди. Изчил депутатлик назоратини олиб бориш бўйича режа тасдиқланди.

Масалан, партиямизнинг Ҳаракат дастурида вилоятларнинг кўп тармоқли тиббиёт ва тиббий диагностика, болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларини замонавий тиббиёт техникаси ва технологиялари ҳамда тегишли мутахассислар билан таъминлаш бўйича дастур қабул қилиш вазифаси белгиланган. Партия гуруҳлари ҳар бир ҳудуднинг эҳтиёжларини ўрганиб, тегишли давлат дастури ҳамда ҳудудий дастурларини тасдиқлаш ва амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши керак. Бу фуқароларимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, уларнинг саломатлигини асраш, касалликларни вақтида аниқлаш имконини беради. Шу жиҳатдан олиб қарасак, ушбу вазифанинг аҳамияти нечоғлик муҳимлиги ойдинлашади.

Ҳар бир депутат Ҳаракат дастурида белгиланган мақсад ва вазифалар моҳиятини, аҳамиятини чуқур ҳис қилиши керак, деб ўйлайман. Энди тасаввур қилинг, ҳар бир туман, шаҳар, вилоятнинг қанчадан-қанча депутати, халқ сайлаган вакиллари бор. Ҳамма юраги ёниб ишласа, ишончни оқлаш учун беҳаловат бўлса, қанчадан-қанча мурожаатлар ҳал бўлади, одамларни ўйлантираётган кўпдан-кўп масалалар ечилади. Шундай масалалар борки, вақт ҳам, катта маблағ ҳам талаб этмайди. Шунчаки эътиборнинг ўзи ҳал қилиш учун етарли. Фақат депутат сайловчилари учун жон куйдирса, бас.

**Санжар ВАФАЕВ,
халқ депутатлари Янгиҳаёт туман Кенгаши депутати:**

– Депутатлик фаолиятимни бошлашим билан сайлов округи ҳудуди муаммоларини ўргандим, аҳоли билан учрашиб, уларнинг фикрларини тингладим ва мурожаатлар билан ишладим.

Бугун ҳудудларимизда янгиликлар кўп, ўзгаришлар катта. Аммо одамларимизни ташвишлантираётган, ечимини кутаётган масалалар ҳам бор. Партиямиз Ҳаракат дастурининг ижросини таъминлаш орқали ҳудудлардаги кўп муаммоларга ечим топамиз.

Яқинда бўлиб ўтган депутатлик гуруҳимиз йиғилишида Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш, сайловчиларни ўйлантираётган муаммоларни сессиялар муҳокамасига олиб чиқиш асосий мавзу бўлди. Тўғри, депутатлик гуруҳларимиз сессияга масала киритишдан олдин тегишли муаммо бўйича назорат-таҳлил ишларини олиб боришади. Масала жойига чиқиб ўрганилади, шу бўйича қандай мурожаатлар бўлгани кўриб чиқилади. Шунингдек, мониторинг давомида ҳудудларда кўчама-кўча, уйма-уй юриб, ҳар бир хонадон, ҳар бир оилага кириб борилади, сайловчиларнинг эътирозлари, таклифлари эшитилади.

Биз яхши бир тажрибага таяниб иш кўришни режалаштирдик. Яъни, "Касални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал", дейишади-ку, шу маънода жойлардаги муаммолар ҳақида кимдир мурожаат қилиб келишини кутиб ўтирмоқчи эмасмиз. Ўзимиз одамлар орасига, халқ ичига кириб борамиз, улар дуч келаётган муаммоларни эрта аниқлаб, самарали ҳал қилиш бош мақсадимиз бўлади.

Сайлов округимдаги ҳудудларни ўрганиб чиқиб, ички йўлларни таъмирлаш, тоза ичимлик суви, ишсизлик, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича муаммолар борлигини аниқладим. Депутат сифатида биринчи навбатда ушбу муаммоларни бартараф этишга эътибор қаратаман. Ушбу масалалар бевосита партиямиз Ҳаракат дастури билан уйғундир. Уларнинг ижобий ҳал қилиниши учун депутатлик ваколатимдан тўлиқ фойдаланаман.

**Акмал УМАРАЛИЕВ,
халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати:**

– Партиямизнинг сайловда илгари сурилган ғоя ва таклифлари асосида 2024-2029 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури тасдиқланди. Навбатдаги қадам унинг ижросига қатъий киришишдан иборат. Энг муҳими, белгиланган ҳар бир вазифа амалга ошиши, қоғозда қолиб кетмаслиги керак. Бу эса биз, депутатларнинг ташаббускорлигимиз, ишнинг кўзини қай даражада билишимизга боғлиқ. Хўш, ишни нимадан бошлаш керак? Албатта, режадан. Мақсад аниқ бўлмаса, айтарли натижага эришиб бўлмайди.

Халқ депутатлари туман Кенгашидаги ҳар бир депутатимиз Ҳаракат дастури ижроси бўйича ўз режасига эга. Партия гуруҳимиз парламентдаги фракциямиз билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйиб, ишни шу асосда ташкил этишни режалаштирди.

Парламент томонидан кўриб чиқилаётган қонун лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш, уларга таклифлар беришни янада кучайтириш бўйича ҳам алоҳида режа ишлаб чиқилди.

Масалан, Ҳаракат дастурига кўра, аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш даражасини ошириш бўйича бир қатор вазифалар белгиланган. Аҳолини арзон электр энергия, иссиқлик ва иссиқ сув тизими билан таъминлаш бўйича ҳудудий инвестиция дастурларини, жумладан, жойларда давлат-хусусий шериклик тартибида дастурларни амалга ошириш бўйича таклифлар киритиш маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари зиммасига юклатилган. Биз ҳудудлар миқёсида бу борадаги ишларни ўрганиб, ўз таклифларимизни тайёрлаймиз. Маҳаллий Кенгаш сессияларида, доимий комиссияларда муҳокама қиламиз. Бу билан ҳудудлардаги ушбу соҳага тааллуқли кўплаб муаммолар ечилади.

Яна назорат-таҳлил натижаларини умумлаштириб, таклифлар ишлаб чиқиб, уларни парламентдаги фракциямизга тақдим қиламиз. Жойлардаги реал ҳолатдан келиб чиқиб, тайёрланган таклифларнинг қонунларда акс этиши учун бу муҳим, деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, Ҳаракат дастури ижросига жиддий киришсак, сайловчилар олдида юзимиз ёруғ бўлади.

***

ХДП Ҳаракат дастурида белгиланган ҳар бир масала ортида юзлаб, минглаб одамлар манфаати турибди. Бу орқали қанчадан-қанча одамларнинг оғири енгил бўлади, ҳудудлар тараққий этади. Аммо аввалги йилларда аксарият ҳолларда партия гуруҳлари масалани муҳокамаларга олиб чиқиш билан чекланиб, қабул қилинган қарорлар ижроси назоратсиз қолиш ҳолатлари кузатилгани ҳам сир эмас. Шунингдек, парламентда кўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари юзасидан кенг жамоатчилик таклифларини партия фракциясига тақдим этишда ҳам маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар сусткашликларга йўл қўйганини яширишга ҳожат йўқ, назаримизда.

Энди бундай бўлмайди! Бундай бефарқликни янги давр ҳам, халқимиз ҳам қабул қила олмайди. Сайловчиларимиз депутат тимсолида эл дарди билан яшайдиган, жойлардаги муаммоларни қўрқмасдан кўтариб чиқадиган, масалани ҳал қилмагунча тиниб-тинчимайдиган вакилни кўришни хоҳлайди. Бунинг учун қонуний ваколат ҳам, имконият ҳам етарли. Ҳамма гап ёниб ишлашда.

**Лазиза ШЕРОВА,
"Ўзбекистон овози" мухбири.**



УЗОҚ ЯҚИН БЎЛДИ

Йўл ва кўприк қуриш савобли амаллардан ҳисобланади. Бундай хайрли иш ва эзгу амаллар элларни элларга, дилларни дилларга боғлайди. Йўллар равон бўлган жойда ривожланиш ва тараққиёт бўй кўрсатиши табиий.

Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили муносабати билан Денов туманида 4Р108 "Денов айланма йўли"ни халқаро аҳамиятдаги М41 "Бишкек-Душанбе-Термиз" халқаро автомагистраль йўли билан боғловчи маҳобатли кўприк фойдаланишга топширилди.

Муҳим йўл ўтказгичнинг узунлиги – 300, эни эса – 21 метрни ташкил қилади. Лойиҳа қиймати 81,5 миллиард сўмни ташкил қиладиган иншоот қурилиши "Кўприккурилиш" акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилди. Икки тасмали йўлда ҳайдовчи ва пиёдалар учун барча зарур шароитлар яратилган. Тунги ёритиш мосламалари ишлаб турибди.

– Саксон уч ёшдаман, – дейди Денов туманининг "Буюк ипак йўли" маҳалласида истиқомат қилувчи Яззонқул Ҳайитқулов. – Олтмиш йилдан ортиқ турли соҳаларда меҳнат қилдим. Ҳар жиҳатдан қулай объектнинг иш бошлагани Шўрчи, Олтинсой, Денов, Сариосиё ва Узун туманларида истиқомат қилаётган 1 миллион нафарга яқин аҳоли билан бир қаторда, қўшни мамлакатлар халқлари учун ҳам айни муддао бўлди. Ўз маҳобати ва салобати билан ажралиб турадиган иншоот кўп йиллар хизмат қилишига ишонаман.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.**

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

ВЕЛОСИПЕД "ОВИ"

Халқимизда "Ўғрига ўғриликдан мол кирмаса, ўз бўркини ўғирлар" деган мақол бор. Ўзгалар мулкига кўз олайтиришни касб қилиб олган қўли эгри кимсаларнинг феъл-атворига бундан ортиқ таъриф бўлмаса керак.



Пойтахтда яшовчи, 23 ёшли Алексей Х. ҳам муқаддам ўғрилик жинояти учун судланган. Бироқ жазодан тегишли хулоса чиқармаганми ёхуд тарки одат амримаҳолми, айни навқирон ёшдаги йигит яна шу турдаги қилмиши учун суднинг қора курсисига ўтирди.

Гап шундаки, Алексей қинғир йўл билан пул топиш илинжида жорий йилнинг 27 май куни Миробод тумани Афросиёб кўчаси ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйлардан бирининг йўлагига кириб, қаровсиз қолдирилган велосипедни ўғирлаб, воқеа жойидан яширинади. Худди ўша куни у яна ярим тунда Яккасарой тумани Бобур кўчасидаги хонадонлардан бирининг олдидан 2 млн сўмлик велосипедни ўғирлаб кетади.

Хамирдан қил суғургандек осон кечаётган велосипед "ови"ни эртаси куни, ундан кейин ҳам давом эттиради. 28 майдан 3 июнга қадар у пойтахтнинг турли ҳудудларидан жами 6 та велосипед ўғирлайди. Ўзгаларга тегишли бу велосипедларни номаълум шахсларга сотиб, пулни шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборади.

Бироқ унинг велосипед "ови" узоққа чўзилмади. Ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан ушланиб, қонуний жавобгарликка тортилди.

Суд мажлисида судланувчи Алексей Х. айбига тўлиқ иқрорлик билдирди. Суднинг ҳукми билан 5 йилу 1 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.

**Баҳодир ҚАЮМОВ,
Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман суди судьяси.**

ДУНЁ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ



ЯПОНИЯ:

ЛИБЕРАЛ ДЕМОКРАТЛАР МУРОСА ҚИЛИШГА МАЖБУР

Японияда яқинда, октябрь ойида ўтган парламент сайловида ҳукумат тепасидаги коалиция кўпчилик овозни йўқотди, қуйи палатада мухолиф партиялар кўпроқ ўринга эга бўлди.

Маълумотларга кўра, Либерал демократик партия ва Комэйто партияси биргаликда парламентдаги кўпчилик овоз учун зарур бўлган 233 ўриндан 215 тасини эгаллаган. Либерал демократлар учун 191 ва коалиция шериклари учун 24 мандат.

Мухолиф партиялар эса улардан кўпроқ 238 ўринни эгаллади. Хусусан, Япония конституциявий демократик партияси 148, Япония инновацион партияси 38, Япония коммунистик партияси 8, Халқ учун демократик партияси 28 ўринни эгаллади. Яна 12 ўрин мустақил номзодларга насиб этди.

Бундай натижалар либерал демократларнинг якка ҳукмронлигига чек қўйди ҳисоб. Либерал демократик партия (ЛДП) Японияни урушдан кейинги деярли барча даврларда бошқарган ва 465 ўринли қуйи палатада шу вақтга қадар кўпчиликни ташкил қилиб келган. Охирги марта ЛДП 2009 йилда кўпчилик овоздан айрилганди.

Мазкур партиянинг асосий рақиби, собиқ бош вазир Ёшихико Нода бошчилигидаги Япония Конституциявий демократик партияси сезиларли ютуқларга эришди.

СИЁСИЙ ПОЗИЦИЯНИНГ КУЧСИЗЛАНИШИ

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳукумат тепасида қолиши учун либераллар коалицияни шакллантириш юзасидан сайловлар давомида кескин курашган сиёсий кучлар билан келишиши, ҳатто заифроқ позицияда музокара юритишига тўғри келди. Бу либерал партия ён босиши лозимлигини англатади.

Парламентда эгалланган ўринлар либерал демократларни кичикроқ партиялар билан коалиция тузиш бўйича музокаралар олиб боришга мажбур қилди. Таҳлилчиларнинг таъкидлашича, бу кейинчалик сиёсатдаги баъзи соҳаларда ноаниқликка ҳам олиб келиши мумкин. Масалан, агар фоиз ставкаларини нолга яқин даражада сақлашни қўллаб-қувватловчи шериклар билан келишувга келинса, бу Япония Марказий банкига жиддий муаммолар туғдиради. Чунки бош регулятор фоизлар бўйича ставкаларни мунтазам кўтариб боришни режалаштирган эди. Натижада бундай ноаниқлик ва сиёсий ихтилофлар, шубҳасиз, фонд бозорларига таъсир қилади.

Канда халқаро тадқиқотлар университетининг япон сиёсати бўйича мутахассиси Жеффри Холлнинг сўзларига кўра, коалицияга шерикларни жалб қилиш Либерал демократик партия позициясини заифлаштиради. Потенциал коалиция шериклари Халқ учун демократик партия ва Япония инновацион партияси бўлиши кутилган бўлиб, аммо иккаласи ҳам ЛДП позициясидан ажралиб турувчи сиёсатни таклиф қилишади.

Халқ учун демократик партия ҳақиқий иш ҳақи кўтарилгунга қадар 10 фоиз савдо солиғини икки баробарга камайтириш тарафдори. Лекин бу таклифни либераллар анчадан буён рад этиб келмоқда. Инновацион партия эса сиёсий партияларга эҳсон қилиш қоидаларини кучайтириш лозимлигини таъкидлаб келмоқда. Япония сиёсатидаги ҳозирги инқироз хайрия йиғилишларида ЛДП хайр-эҳсонлари ҳисобга олинмагани билан боғлиқ жанжал туфайли юзага келганини инобатга олсак, бу чора кутилмаган эмас. Иккала партия ҳам Марказий банк томонидан фоиз ставкаларини янада оширишга қарши, бу эса, ўз навбатида, дунёнинг тўртинчи йирик иқтисодиётини монетар рағбатлантиришдан аста-секин ажратишга ҳаракат қилинаётганидан даракдир.

NHK телекомпанияси томонидан ўтказилган сўров натижаларига кўра, сайловчиларнинг қарийб 40 фоизини иқтисодиётнинг бугунги ҳолати ва инфляция ташвишга солаётгани ойдинлашган. 28 фоиз сайловчи солиқларни камайтиришни истайди, 21 фоизи эса иш ҳақининг изчил ошишига умид қилмоқда.

ЯНА ИШОНЧ БИЛДИРИЛДИ

Турли келишмовчиликларга қарамай, Япония парламенти Шигеру Ишибага яна ишонч билдирди ва уни Бош вазир этиб қайта сайлади. У қарор қабул қилишда мухолифатнинг фикрини инобатга олишга ваъда берди. "Мен сайлов натижаларини партия маблағлари билан боғлиқ муаммолар ва ислоҳотларга бўлган муносабатимиз учун Япония халқининг танбеҳи сифатида қабул қиламан", деган Шигеру Ишиба.

СИЁСАТДА ЯНГИ МАНЗАРА

Мухолифат етакчиси Ёшихико Ноданинг таъкидлашича, эндиликда қуйи палата бошқарув қўмиталарининг деярли ярмини мухолифат бошқаради. Бу 27 қўмитанинг учтасидан ташқари барчасини назорат қилган ЛДПнинг сайловолди ҳукмронлиги билан таққослаганда жуда катта ўзгариш.

"Биз Япония сиёсатида янги манзарага эга бўламиз", деган Нода.

Бюджет, сиёсий ислоҳотлар, миллий хавфсизлик ва ҳуқуқий масалаларни ўз ичига олган асосий йўналишлар бўйича қўмиталарнинг 12 тасини Ноданинг Япония Конституциявий демократик партияси ва яна иккита асосий мухолиф гуруҳлар бошқаради.

БОШ ВАЗИР НИМА ҚИЛА ОЛАДИ?

Шигеру Ишиба учун ҳозирги вазият мухолифат кучлари билан муросага кела олиши, таклифларини ўтказа олишни талаб қилади. Шунда у ўз сиёсатини илгари сура олади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу беқарор ҳисобланса-да, консенсусга асосланган сиёсат ишлаб чиқиш жараёни учун имконият ҳам бериши мумкин.

Бош вазир, шунингдек, биринчи навбатда ўз партиясида бирдамликни тиклаш масалаларини ҳам ҳал қилиши лозим.

Хуршидабону НАЗАРОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.



11 ОЙДА ОЛТИН ЗАХИРАМИЗ 20 ФОИЗГА ОШГАН

МАРКАЗИЙ БАНК МАЪЛУМОТЛАРИГА КЎРА, НОЯБРЬ ОЙИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОЛТИН-ВАЛЮТА ЗАХИРАЛАРИ 1,67 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА ҚИСҚАРИБ, 43,1 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛМОҚДА. КЎРСАТКИЧ ОЛТИН НАРХИНИНГ ПАСАЙИШИ ФОНИДА ИЮНЬ ОЙИДАН БЕРИ БИРИНЧИ МАРТА КАМАЙДИ. МАРКАЗИЙ БАНК 9 ТОННА ҚИММАТБАҲО МЕТАЛЛ ХАРИД ҚИЛГАН. ЯНАДА АНИҚРОҚ АЙТГАНДА, ЎЗБЕКИСТОННИНГ РАСМИЙ ЗАХИРА АКТИВЛАРИ 1 ДЕКАБРЬ ҲОЛАТИГА 41,47 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРНИ (-3,9 ФОИЗ) ТАШКИЛ ЭТИБ, НОЯБРЬ ОЙИДА 1,67 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА КАМАЙДИ. УШБУ КЎРСАТКИЧ ИЮНЬ ОЙИДАН БЕРИ БИРИНЧИ МАРТА ПАСАЙДИ.

Ноябрь ойидаги пасайишдан олдин Марказий банк захиралари кетма-кет тўрт ой давомида рекордни янгилади, яъни, июль ойида улар 1,06 миллиард долларга, августда 1,75 миллиард долларга, сентябрда 1,98 миллиард долларга ва октябрда 2 миллиард долларга ошганди. Умуман олганда, ўтган ойдаги қисқаришга қарамай, 11 ой ичида захиралар 6,9 миллиард долларга (+20 фоиз) ошган.

Марказий банкнинг ахборотига кўра, ноябрь ойида хорижий валютадаги захиралар 1,04 миллиард долларга қисқариб, йил бошидан бери 12,7 фоизга камайган.

Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, Марказий банк ўз захираларида амалда давлат бюджетининг бир қисмига айланган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (ЎзТТЖ) активларини ҳам кўрсатади. Халқаро рейтинг агентлиги S&P Global Ratings аввалроқ ЎзТТЖ активларини «биринчи навбатда монетар ёки тўлов эҳтиёжлари учун эмас, балки фискал эҳтиёжлар учун мўлжалланган» учун Марказий банк захираларидан чиқариб ташлаётганини маълум қилган эди.

Бир сўз билан айтганда, Марказий банкнинг монетар олтин захиралари бугунги кунда олтин-валюта захиралари умумий ҳажмининг 79 фоизини ташкил этади. Марказий банк Ўзбекистонда қазиб олинаётган олтинни сотиб олишда устувор ҳуқуққа эга. У олтинни маҳаллий валютага сотиб олади, кейин эса ўз интервенциясининг ўзбек сўмига таъсирини қоплаш учун долларни маҳаллий бозорда сотади.

Маълумот учун, Марказий банкнинг олтин-валюта захиралари миллий иқтисодиёт ва молия тизими барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Улардан кескин тебранишлар юз берганда миллий валюта курсига таъсир кўрсатиш орқали унинг барқарорлигини сақлаш, кредиторлар олдидаги ташқи мажбуриятларни тўлаш, инқирозли вазиятларда импортни қоплаш, шунингдек, ташқи иқтисодий хатарлардан суғурта сифатида фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, захиралар экспорт қилинадиган товарлар нархларининг кескин ўзгариши, халқаро санкциялар, глобал молиявий инқирозлар ёки валюта бозорларидаги тебранишлар каби ташқи шоклардан ўзига хос «хавфсизлик ёстиғи» ҳисобланади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ.

50 ФОИЗ ЧЕГИРМА ФАҚАТ ТАЛАБАЛАР УЧУН

Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари талабалари учун барча маҳаллий авиақатновлар эконом-класс авиачипталари тарифларига 50 фоизгача чегирма эълон қилинди. Чегирма 2024 йил 23 декабрдан бошлаб, 2025 йил 7 январга қадар амалга ошириладиган авиақатновлар учун амал қилади. Бу ҳақда “Uzbekistan Airways” АЖ матбуот хизмати маълум қилди.

50 фоизгача бўлган чегирмали авиачипталарни Тошкентдаги Uzbekistan Airways Sales филиалида, унинг агентларидан ва booking.uzairways.com сайтида харид қилиш мумкин. Авиачипта харид қилаётганда талабалар MyGov.uz орқали олинган ёки таълим муассасасидан берилган уларнинг ўқиши тўғрисидаги маълумотномани тақдим қилиши керак.

“Uzbekistan Airways” АЖга кўра, йўловчи ташиш тарифларига қўшимча равишда турли солиқлар, йиғимлар ва тўловлар ҳам ўрнатилади. Уларга 50 фоизгача тақдим этиладиган чегирма амал қилмайди.

Бундан ташқари, йўловчиларга қулайлик яратиш учун 15-31 декабрь ва 3-12 январь кунлари Самарқанд – Тошкент – Самарқанд йўналишидаги «Афросиёб» электропоездининг қўшимча қатнови йўлга қўйилади.

АВТОБУСЛАРДА ЙЎЛ ҲАҚИНИ НАҚД ПУЛДА ТЎЛАШ ТАҚИҚЛАНАДИ

«Тошшахартрансхизмат»нинг хабарига кўра, 1 январдан Тошкент шаҳрида автобус салонларида йўл ҳақини нақд пулда тўлаш тақиқланади.

Ахборотга кўра, нақд пул орқали автобусларда йўл ҳақини тўловчилар бекатларда ва улар яқинида ўрнатилган барча тўлов қурилмалари, яъни, Paynet, MultiPay ва Oson инфокиосклари орқали бир марталик чипта харид қилиши мумкин бўлади.

Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, 2025 йил 1 январдан бошлаб пойтахтда автобусларда йўл ҳақи учун нақд тўлов 2000 сўмдан 3000 сўмгача оширилади. Нақдсиз тўловда нарх ўзгармай, 1700 сўм бўлиб қолади.

Айни пайтда шаҳар жамоат транспортида бир нечта нақд пулсиз тўлов усуллари мавжуд:

- ATTO транспорт ва виртуал карталари;
- ATTO мобиль иловаси билан NFC орқали;
- QR-коддан фойдаланган ҳолда Click, UzumPay, MyUzcard, Alif иловалари;
- Uzcard, Humo, MasterCard, Visa, UnionPay контактсиз банк карталари орқали.

– Бундан кўзланган мақсад – йўл ҳақи тўловида шаффофликни таъминлаш, ҳайдовчининг нақд пул қабул қилишдаги вақтини, оралиқ бекатларда йўловчиларнинг автобусга чиқиш ва тушиш вақтини тежаш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини оширишдир. Зеро, ҳайдовчи нақд пул орқали тўловни қабул қилиш учун сарфлайдиган вақти қанча кам бўлса, автобус шунча тезроқ йўналишида ҳаракатини давом эттиради. Шунингдек, энг асосий ва муҳим мақсад эса – ҳайдовчининг молиявий боғлиқлигини камайтирган ҳолда бор эътиборини хавфсиз бошқарувга йўналтиришдан иборат, – дейилган «Тошшахартрансхизмат» хабарида.



MUASSIS:
O‘zbekiston XDP Xalq demokratik partiyasi
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O‘zbekiston Ovozi
TAHRIR HAY’ATI:
Ulug`bek INOYATOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Maqsuda VORISOVA, Qalandar ABDURAHMONOV, Guliston ANNAQILICHEVA, Muslihiddin MUHIDDINOV, Hayotxon ORTIQBOYEVA, Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To‘lqin TO‘RAXONOV
MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3
Телефонлар: (71) 239-12-14
Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.
Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Г — 1237. 3268 nusxada bosildi.
Nashr ko‘rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni —
Topshirilgan vaqti —
1 2 3 4 5 6
Sotuvda kelishilgan narxda
Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.